

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЎТАНАЗАРОВА НИЛУФАР АЛЛАМУРОДОВНАНИНГ

**5220200-тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун**

**“Термизнинг меъморий ёдгорликлари ва уларнинг тарихий аҳамияти”
мавзусидаги**

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди

Аннаев Тўхташ Жўраевич

Термиз – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3– 6
1-БОБ.Термиз (Тармита) нинг қадимги давр меъморчилиги.....	7-41
1.1.Қоратепа буддавийлик мажмуа меъморчилиги.....	7-31
1.2. Фаёзтепа буддавийлик иншооти меъморчилиги.....	32-41
2-БОБ.Термизнинг ўрта асрлар меъморчилиги	42-73
2.1. Ал Ҳаким ат Термизий мақбараси	42-63
2.2.Термизшоҳлар саройи меъморчилиги.....	63-73
ХУЛОСА.....	74-76
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар	77-78
ИЛОВА	79-83

КИРИШ

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин - Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими - Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.¹

И.А.Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Сурхондарё хусусан Термиз тарихи ва маданиятини ўрганишга давримизгача сақланиб қолган кўлёзма манбалар меъморчилик обидалари билан бир қаторда мавжуд археологик ёдгорликлар ва уларда амалга оширилган қазилмалар натижалари жуда муҳимдир.

Бу эса аввало, Эски Термиз шаҳрининг археологик ўрганилиши, яъни бу ерда ким қачон ва қандай археологик тадқиқот олиб борганлигининг, улар ушбу шаҳар ўтмишини билишда қандай натижалар берганининг ўрганилишидир. Иккинчидан бу Термиз ўтмишини тарихий нуқтаи назардан илмий англаш тарихи яъни у ҳақидаги тасаввурларнинг олинishi ёзма манбалардан олинган соф тарихий маълумотлардан тортиб Термиз учун М.Е.Массон томонидан ТАКЭ тўпламларида илк бор бажарилган ва ҳозирги тадқиқотчилар томонидан давом эттирилган, археологик ва нумизматик маълумотларни ўз ичига олувчи махсус илмий тадқиқотларгача бўлган, даврма – давр яратилган асарлардаги таҳлил ва танқидлар Термиз меъморий обидаларининг XIX асрдаги юзаки тасвирлар билан бошланиб, бу обидаларнинг меъморий услубини, лойиҳаси ва мужассамотини, хронологияси ва тарихий мансублигини таҳлилий тадқиқ қилиш билан яқунланган қазилмаларининг ўтказилиши Шарқ санъати музейининг

¹ Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 2002 йил 2 апрель. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Т. – 2003. Б. 294.

профессор Б.Л. Денике бошчилигидаги экспедициянинг фаолияти билан боғлиқ.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. 1930 йилда вилоятда жумладан Термизда катта илмий аҳамиятга молик археологик тадқиқотлар амалга оширилди. Профессор М.Е. Массон бошчилигидаги экспедиция аъзолари Эски Термизда Термизшоҳлар саройини казиб ўрганган бўлса, А.П. Окладников Бойсун тоғидан неандерталь одамнинг тана суягини топди. 1932 йилда ҳозирги Санк-Петербургдаги Эрмитаж кўрғазмаларида сақланаётган Айритом кошинлари топилган. 1936 – 1938 йилларда профессор М.Е. Массон бошчилигида фаолият кўрсатган Термиз археологик экспедицияси Айритом ва Эски Термизнинг Кушон даври ёдгорликларини ўрганишда бирмунча муваффақиятга эришди. Сурхондарёнинг Кушон даври шаҳарлари Эски Термиз ва Зартепа мисолида ҳам ўрганилмоқда. Эски Термизнинг Кушон даври диний маркази ҳисобланган. Қоратепада 1961 йилда Москвадаги таъмирлаш институти, Шарқшунослик ва Санк-Петербургдаги Давлат Эрмитажининг Б.Я.Ставиский бошчилигидаги бирлашган экспедицияси тадқиқотлар олиб бордилар. 33 йилдан ортиқ давр мобайнида Қоратепада амалга оширилган археологик қазилмалар натижасида Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистон халқлари маданияти ва маданий алоқалари, шунингдек буддавийлик динининг бу ўлкага тарқалишидан дарак берувчи кўплаб ашёвий далиллар топилди.

Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистон маданий алоқаларини ёритишда Л.И. Альбаум томонидан 1969–1976 йилларда Фаёзтепа ўрнида мавжуд бўлган Эски Термизнинг яна бир буддавийлик ибодатхонасининг тўлиқ қазиб очирилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Сурхондарёнинг Кушон даври маданияти 1980 йилдан буён Эски Термиз мисолида ҳам ўрганилмоқда. Ш.Р. Пидаев бошчилигида бу жойда амалга

оширилган изланишлар туфайли Юнон-Бақтрия давридан бошлаб Шимолий Бақтриянинг пойтахти шахри вазифасини ўтаб келган Эски Термизнинг шаклланиши ва асосий тараққиёт босқичларини ифода этувчи кўплаб манбалар топилган.²

1973 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида chop этилган, 1969 – 1985 йиллар оралиғида Б.Я.Ставиский таҳрири остида “Қоратепа – Эски Термизнинг буддавийлик ибодатхонаси” деб номланган беш тўплами, Ш.Р. Пидаевнинг “Фан” нашриётида chop этилган “Шимолий Бақтриянинг Кушон даври қишлоқлари” ва ушбу нашриётда 1979 йил босмада чиққан “Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги танга пуллари” каталоги қабилардир (муаллифлари Ш.Р.Пидаев, Э.В.Ртвеладзе).

XX асрнинг 20 йилларигача Термизнинг ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини шарҳлашда асосий манба бўлиб машҳур рус шарқшунос олими академик В.В.Бартолднинг асарлари ҳисобланар эди.

Унинг асарларида Термиз ўлкаси ва ундаги мавжуд қишлоқ ва шаҳарлар тўғрисида жуда қимматли маълумотлар келтирилган. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври моддий маданиятини ўрганишда 1926-1928-йилларда Эски Термиздаги Термизшоҳлар саройида илк бор археологик қазилмалар ўтказиш билан бошланган.

1936-1938-йилларда Эски Термизнинг ўрта асрлар даври муҳофаа истехкомларида, темирчилар маҳалласида ва шаҳар ташқарисида жойлашган иншоотларда кенг кўламда қазилма ишлари амалга оширилади. Айниқса, Эски Термизда Термизшоҳлар саройининг тўлиқ ўрганилиши таҳсинга лойиқдир. Бу манбалар ва тарихий маълумотлар асосида Термиз шаҳрининг ўрта асрлар даври тарихий топографияси ишлаб чиқилди. Эски Термизнинг

¹ Пидаев Ш. Қадимий Термиз. Тошкент. “Фан”. 2001. 10-11 бетлар

бу даври тарихи ва ундаги обидалар баёни М.Е. Массон муҳаррирлиги остида 1940-1945-йиларда чоп этилган “Термиз археологик комплекс экспедициясининг тўпламлари”да ўз аксини топган.¹

1940 йилдан 1969 йилда қадар Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври ёдгорликларини ўрганиш борасида арзигулик даражада археологик қазилма ишлари олиб борилмади.

Термиз ва Чағониённинг сўнги ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти (XVI-XIX) жуда кам ўрганилган.

Битирув малакавий иши кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар шунингдек илова қисмидан иборат.

1-БОБ.Термиз (Тармита) нинг қадимги давр меъморчилиги.

1.1. Қоратепа буддавийлик мажмуа меъморчилиги.

Термиз - Ўрта Осиёдаги келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти бир жойда кечмай, ўзи мавжуд бўлган барча даврларни акс эттирувчи маданий қатламлар бирин-кетин тўпланиб, қадимшунос кўз олдида замонларнинг узлуксиз алмашинувини намоён қилган шаҳарлар жумласига киради.

Бу шаҳар вужудга келган давридан бошлаб, 1220 йилда Чингизхоннинг ҳалокатли босқинига қадар Эски Термиз шаҳри ўрнида ҳукм сурган дастлабки даврида бир жойда ривожланди.

Шундан сўнг янги шаҳар, афсонавий қақнус қуши сингари, оташу кул узра қайта тирилиб, эски шаҳардан шарқроқда, Сурхондарё водийсида қад кўтарди. Буни ўз кўзи билан кўрган, Кастилия қироли Генрих III нинг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу ҳақда жуда яхши маълумот ёзиб қолдирган: (Термизга) киргач, ҳамма вақт хар хил нарса сотилаётган майдонлар ва серодам кўчалар орқали ўтиб, узоқ вақт юриб, алам билан ўз манзилимизга келдик”.

Сўнг шаҳар яна жойдан жойга кўчди. XIX асрдан бошлаб Термиз шаҳри кеч ўрта асрлардаги шаҳардан жануброқда, Амударёга яқин жойда қурилиб, ривожланди.

Шундай қилиб, Термиз деганда улкан қурамани турли даврларга оид булган таркибий қисмлари Сурхондарё билан Амударё оралиғидаги уч бурчак ичидаги кенг ҳудудда жойлашган катта Термизни тушунмоқ керакки, унинг тарихи айни Термиз тарихидир.

Бундай қурамалик Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятидир. Масалан, Сўғдиёнадаги Мароканд - Самарканд, Марғиёнадаги Мари - Байрамали, Чочдаги Бинкат — Ташкент, Нахшабдаги Насаф — Қарши шундай қурама шаҳарлардан.

Термиз вайронагарчилик келтирувчи урушлар туфайли кўчган бўлса,

бошқаси сув таъминоти манбаларинин ўзгариши, ижтимоий ва диний бўҳронлар туфайли кўчган.

Термиз афсоналарга фарқ бўлган Бактрия вилоятининг қарийб қок кўксида, буюк дарё маъбуди Оахшо марҳамати билан минглаб йиллар давомида ўз оқимини шимолга, Зардуштниги буюк марҳамати ила фаровон бўлган, янада афсонаворроқ Хоразм заминига элтган қудратли Окс — Жайхун — Амударё соҳилида жойлашган.

Бир неча минг йиллар аввал, жез даврида ушбу дарёнинг ҳар икки томонида ажойиб Бактрия цивилизацияси таркиб топди ва у кейинчалик Шарқ ва Ғарб: қадимги Шарқ, эрон, эллин, хинд-будда, туркий ва араб мусулмон цивилизациялари ёнма-ён ҳукм суриб келган буюк Шарқ маданиятлари марказига айланди.

Бактриянинг пойтахти, ўша пайтда янги ном билан Бохло (ўрта асрлардаги Балх шундан келиб чиққан) деб атала бошлаган Бактрани босиб олган араблар Бактриянинг минглаб йиллик тарихини, Бактрия пойтахти, бошқа бактр шаҳарларини шонли ва буюк тарих йўлига солган асосчиси бўлмиш бу шаҳарни “Уммул билод” — “Шаҳарлар онаси” деб атадилар. Баъзи шаҳарлар тарих томонидан ўзи учун аталган муддатни яшаб бўлиб, узоқ ўтмишда йўқликка юз тутган, бошқалари эса тарих мураккабликларини енгиб ўтиб бугунги замонга қадар яшаб келди ҳамда замонавий шаҳарларга айланди.

Шундай шаҳарлар орасида Термиз ҳам бўлиб, тарих унга бошқа барча шаҳарларданда кўпроқ марҳамат кўргазди ва ҳозир ҳам ўз марҳаматини дариғ тутмаяпти. Ҳаёт йўли мураккаб бўлганига қарамай, Термиз хоки туроб бўлиб, яна қад тиклаган, жойдан жойга кўчган. Мустақиллик шароитида эса равнақ топаётган замонавий шаҳарга — Ўзбекистон Республикасининг бош истеҳкомига, жанубий дарвозасига айланмоқда.

Бунгача эса шаҳар минг йиллардан иборат тарихий даврни босиб ўтди. Унинг илк бунёдкорлари бактрлар донишманд одамлар бўлиб, тўқайзордан

иборат, одам кам яшайдиган жойда шаҳар пойдеворини қўйганлар. Лекин даставвал ҳозирги Термиз ўрнида мил. авв. V—IV асрларга оид мустаҳкамланмаган кичикроқ манзилгоҳ юзага келганки, уни қадимшунослар темир йўл атрофидан қазиб топдилар. У вақтларда Бактриядан шимолга асосий йўл Термиздан 20 километр ғарброкдан, Шўроб қишлоғи яқинидан ўтган, бу ерда Окс орқали асосий кечув бунёд этилган, уни қўриқлаш учун эса мустаҳкам Шўртепа қалъаси қурилган. Шу боис бу манзилгоҳ Бактрия манзилгоҳлари тизимида алоҳида рол ўйнамаганди. Македониялик Александр Суғдиёна ва унинг пойтахти Марокандга қилган машҳур юришларида айти шу йўлдан ўтган. Шу ерда Кампиртепа ўрнида у тарихчиларнинг бир неча авлоди излаган Окс Искандариясига асос солган.

Лекин ҳозир Кампиртепада милоддап аввалги IV—III асрларга оид мустаҳкам мудрофаа деворлари ва дарвозалари тизими аниқлангани боис, бу баҳсларга нуқта қўйилиши мумкин.

Кейинроқ Юнон-Бактрия подшоси Деметрий ҳукмронлиги давридан бошлабгина (мил. авв. 200—185 йиллар) Эски Термиз ва айниқса, унинг қалъаси ўрнидаги манзилгоҳ чинакам равнақ топа бошлади. Деметрий Шимоли-ғарбий Ҳиндистонни (Гандҳара) босиб олгани, шунингдек, афтидан, Суғдиёнани ҳам эгаллагани унга кўпроқ кўмаклашганга ўхшайди, бу вилоятга олиб борадиган энг қулай йўл эса Термиз орқали ўтарди. Натижада Деметрий ўз подшолиги тасарруфидаги икки чекка вилоят Гандҳара ва Суғдиёнани бирлаштирди, Термиз ва унинг яқинида жойлашган, Окс орқали жуда қулай кечув эса улар орасида жуда муҳим пункт эди. Кейинги юнон-бактр подшолари Агафокл, Евкратид, Гелиоклар Суғдиёнани қўлдан чиқариб, Бактрия ва Гандҳарани эса сақлаб қолган ҳолда, афтидан, Термизга катта эътибор беришган кўринади, чунки чархи кажрафторга қарамай, Ҳиндистон билан Ўрта Осиёни бирлаштирадиган асосий йўл ўша-ўша Термиз орқали ўтарди. Шу тариқа, Термиз мавжуд бўлган дастлабки даврлардаёқ унинг аҳамияти ошишига ҳамда равнақ топишига олиб келган

асосий вазифалари — Окс орқали жуда муҳим кечувни кўриқлаш ҳамда бу ердан ўтиб боровчи кўплаб карвонлар хизматини қилиш аниқ бўлиб қолди. Термизнинг бирон-бир давлатнинг шимолий ёки жанубий сарҳадларини кўриқлайдиган ва ҳимоя қиладиган ҳарбий-мудофаа вазифаси ўшандаёқ ва, айниқса, кейинчалик, ўрта асрларда яққол маълум бўлди.

Термиз ўзининг бу вазифасини ҳозирга қадар сақлаб қолмоқда айти шу шаҳар Ўзбекистон Республикасининг жанубий сарҳадлардаги бош истеҳкомидир. Буюк Кушонлар империясини барпо этган, ҳарбий қудратига кўра Хитой, Рим ва Парфияга тенг бўлган юечжи-тохарлар Термизнинг аҳамиятини яхши англаган эдилар. Термиз ҳам, қўшни Кампиртепа сингари, шимолга олиб боровчи йўллардан ташқари Хиндистондан Окс - Амударё бўйлаб Марғиёна ва Парфияга, сўнг Каспий денгизи орқали Рионнинг қўйилиш жойигача (у ерда ҳозир Грузиянинг Потти шаҳри жойлашган) ҳамда Кора денгиз бўйлаб Рим мулкларигача борадиган савдо йўлини назорат қиларди. Жуда муҳим моллар ташилган бу йўлнинг мавжудлиги тўғрисида Рим тарихчиси Плиний Варронга (мил. авв. 127 — 116 йиллар) асосланган ҳолда ёзганди. Страбон ва бошқа қадимги олимлар ҳам бу ҳақда хабар беришган. Буюк Ипак йўли ҳозир ТРАСЕКА тарзида тикланганидек, келгусида мазкур йўл ҳам тикланади, деб ўйлаймиз

Эндиликда аниқлаётганидек, Ород II даврида (мил. авв. 51—36 йиллар) Кампиртепани босиб олиб, уни, балки Термизни ҳам, Парфия давлатининг Шарқдаги, Окс водийсидаги таянчига айлантирган Парфия подшолари ушбу йўлнинг аҳамиятини ва уни назорат қилишдан кўриладиган манфаатни яхши тушунган эдилар.

Кушонларнинг иккинчи подшоси Вима Ток (То) (Сотер Мегас, афтидан, милодий I аср ўртаси — иккинчи ярми бўлса керак) ҳукмронлиги давридан бошлаб юечжи-тохарлар Термизни қайта ўз тасарруфларига олдилар. Буюк Кушон подшоси Канишка даврида (милодий II асрнинг биринчи ярми)

Термиз зиммасига мафкуравий вазифа ҳам юкланиб, у бир неча юз йиллар давомида Ўрта Осиёда буддизмнинг асосий маркази бўлиб қолди.

Термиз энг қадимги номи Тармита эди. Илк ўрта асрларга оид арман манбаларида “Дрмат” тарзида машхур эди. Бу шаҳарда 630 йиллар атрофида булган хитойлик сайёх Сюань Цзянь унинг номини “Тами” шаклида ёзиб қолдирган. IX — XIII асрларга оид араб манбаларида унинг турлича: “Тармиз”, “Тирмиз”, “Турмиз” шаклида ёзилган номларини учратиш мумкин. XII аср муаллифи, Термизда ўн икки кун яшаган Самъоний, гарчи баъзан “Турмиз” шаклида учраса ҳам, адабиётларда “Тирмиз” номи қабул қилинганини кайд этган эди. Самъоний гапларига қараганда, маҳаллий аҳоли шаҳар номини, одатда, “Тармиз” шаклида талаффуз этган.

Эски Термиз шаҳри ҳозирги шаҳардан 7 километр шимоли-ғарбда, Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб жойлашган. Шаҳар уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисмнинг ўз мудофаа девори бўлган. Булар: кўрғон, шаҳристон ва рабоддир. Шаҳар кўрғони шаҳристоннинг жанубида, Амударёнинг қоқ соҳилида, табиий қумлок тепаликда жойлашган. У шарқдан ғарбга қараб чўзилган тўғри бурчакли шаклда булган. Унинг баланд ва пурвиқор девори шаҳарнинг ўша даврдаги кудрати ва улуғворлигининг гувоҳи бўлиб ҳар томондан кўришиб туради.³

Кўрғондан шарқ томонда шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб чизилган шаҳристон жойлашган. Унинг кўшқават мудофаа деворлари ўз даврида шаҳар аҳолисининг тинч ҳаёти ва меҳнатини муҳофаза қилган. Шаҳристондан шарққа қараб улкан ҳудудда рабод ястаниб ётган. Бу ерда Термизнинг савдо-хунармандчилик маркази жойлашганди.

Рабоддан шарқроқда алоҳида ҳудуд жойлашган, бу ерда, афтидан, шаҳарнинг боғ-роғ қисми бўлган. Термиз ҳукмдорлари қароргоҳи ҳам шу ернинг ўзида бўлган. Шаҳарнинг умумий майдони 500 гектардан зиёд эди.

³ Беленицкий А.М. Бентович И.Б. Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Ленинград. «Наука». 1972, стр. 25-30.

1220 йил кузида Термиз остоналарида татар-мўғул босқинчилари пайдо бўлди. Жувайний хабарига кўра, шаҳар аҳолиси уларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Шаҳар қамал қилинди ва у ўн кун давом этди. Шаҳар қўрғонида истехком қурган Термиз гарнизони айниқса жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди. Бу ҳол Чингизхоннинг ғазабини қўзғади ва шаҳар олингач, уни талаш ер билан яқсон қилиш, ўт қўйиб кулини кўкка созуриш тўғрисида жангчиларига буйруқ берди. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган бу шаҳарнинг бизгача катта-кичик тепаликлар тарзида етиб келган вайроналари ғишт, сопол парчалари, тангалар, турли безак буюмлари, шиша буюмлар парчалари ва моддий маданиятнинг бошқа буюмлари билан тўлиб-тошиб ётибдики, улар термизликларнинг моддий ва бадиий маданияти даражаси унинг бутун тарихи давомида юқори бўлганини кўрсатади.⁴

Бу босқинчиликдан сўнг шаҳар XIII асрнинг иккинчи ярмида Сурхондарё водийсида Эски Термиздан шимоли-шарқда тикланди.

Кейинчалик Қадимги Термиз юзага келган жойнинг хайвонот дунёси бой эди: дарё тўла балиқ, тўқайда турли хайвон ва паррандаларни учратиш мумкин эди. Дехқончилик учун яроқли унумдор ер ҳам шундоқкина ёнгинасида эди. Афтидан, шу омиллар неолит давридаёқ ушбу ҳудудга одамлар келиб ўришишига кўмаклашганга ўхшайди. Эски Термизнинг кўп жойларида ўша даврга оид тош қуролларнинг топилиши шуни кўрсатади.⁵

Мил. авв. 323 йилда Македониялик Александр вафот этди. Натижада, улкан империянинг бутун ҳудудидаги каби, Ўрта Осиёда ҳам сиёсий вазият кескин ёмонлашди. Бу, бир томондан, диадохларнинг ҳокимият учун кураши ҳамда жойлардаги юнон-македонияликларнинг ватанга қайтиш мақсадидаги ғалаёнлари билан боғлиқ эди. Бошқа томондан эса, кўчманчиларнинг

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Том 1. Москва, Наука, 1963. Стр. 123.

⁵ Окладников А. П. Следы каменного века в районе Термеза // Труды АН серия история, археология. Термезская археологическая комплексная экспедиция Т. 2. Ташкент, 1945. Стр. 10-23

деҳкончилик воҳаларига босқинчиликлари билан боғлиқ эди. Улар давлат ичида юзага келган беқарорлик шароитидан фойдаланиб, ҳарбий юришларни бошлаб юборишди. Натижада Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктлари вайрон этилди. В. Тарн фикрига кўра, Термизнинг ҳам тақдири шу қаби кечди ва мил. авв. 293 йиллар атрофида кўчманчилар томонидан вайрон этилди. Бироқ, салавкий подшо Антиох I шаҳарни тез орада тиклади ва унга Антиохия деб ўз номини берди. Шаҳарнинг тикланиши ҳамда подшо номи билан аталишининг ўзи Тармитанинг Салавкийлар давлати тизимидаги муҳим ролини кўрсатиб турибди. У ўша - ўша кечувдаги муҳим стратегик истехком бўлиб қолаверди. Антиохия ва Тармита битта шаҳар эканлигига шубҳа қилиб бўлмайди. Равенналик номаълум географнинг милодий VII асрга оид харитасида ҳамда машҳур “Певтингер жадваллари” да унинг номи Антиохия - Тармита шаклида эслатиб ўтилганлигининг ўзиёқ шу фикрни тасдиқлайди. Маълумки, бу харита антик давр маълумотлари асосида тузилган ва унда шаҳар номи эслатиб ўтилиши Салавкийлар даврида Тармита анча йирик пункт бўлганлигини кўрсатади. Ёдгорликнинг ўзидан олинган маълумотлар мисолида ҳам шаҳар номи юқорида баён этилган шаклда берилиши кўшимча тасдиқланади. В. Хеннинг фикрича, Қоратепадан топилган ўрта форс битигидаги бир сўз шаҳар — Антиохия — Тармита номининг биринчи қисмидир.

Мил. авв. III аср ўрталарида Салавкийларнинг Бақтриядаги сатрапи Диодот марказий ҳокимиятдан ажралиб, ўзини подшо деб эълон қилди, натижада Юнон-Бақтрия давлати юзага келди. 100 йилдан ошиқроқ ҳукм сурган бу давлат Ўрта Осиё халқлари тарихида чуқур из қолдирди. Бутун тарихи давомида Бақтрия бу давлатнинг ўзаги, Бақтра шаҳри эса унинг пойтахти бўлиб қолди. Бу даврда Бақтрия ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди аҳолининг моддий ва маънавий маданияти янги даражага кўтарилди, бунга Бақтриянинг эллин олами шаҳарлари ҳамда Ҳиндистон билан савдо ва маданий алоқалари янада

жадаллаштирилиши оқибатида эришилди. Шу даврда Бактрияда эски шаҳарлар янада ривожланди, янгилари барпо этилди. Бу Македониялик Александр томонидан бошланган ҳамда Салавкий ва Юнон - Бактрия подшоҳлари томонидан давом эттирилган муайян шаҳарсозлик сиёсатининг натижаси бўлганди. Шунинг учун антик тарихий анъанада Бактрия “минг шаҳар мамлакати” деб таърифланиши бежиз эмас. Чунончи, Птолемей унинг худудида 18 шаҳар бор, дейди. Бу ерда кўплаб мустақкам шаҳарлар мавжуд бўлгани ҳақида бу вилоятда мил. авв. 129—128 йилларда бўлган хитойлик сайёҳ Чжан Цянь ҳам гувоҳлик беради⁶.

Улардан бири Тармита-Термиз бўлиб, Юнон-Бактрия даврида 10 гектардан зиёд майдондан иборат бўлган қўрғоннинг бутун худудини ҳамда шаҳарнинг ғарбга ва жануби-ғарбга томон йўналган айрим участкаларини эгаллаганди. Тадқиқот кўрсатишича, қадимги шаҳар даставвал Юнон-Бактрия даврида жуда жадал обод қилинган қўрғоннинг шарқий ярмини эгаллаган. Маданий қатламининг умумий қалинлиги 2,5 метр бўлган қурилиш уфқи аниқлангани шуни кўрсатмоқда. Бу ерда тош ва квадрат хом ғиштдан кўтарилган иморатлар бўлган. Мил. авв. II аср бошларига келиб шаҳар ғарб томонга қараб кенгая бошлади ва шу аср ўрталарида унинг худуди соҳил бўйлаб ястаниб ётган тепаликни бутунлай эгаллаб, икки баравар катталашди. Бу, бир томондан, шаҳарнинг мудофаа вазифасини, бошқа томондан эса, унинг стратегик аҳамиятини кучайтириш имконини берди. Юнон - Бактрия даврида Тармита-Термизнинг Окс-Амударё кечувининг энг муҳим ўринларидан бири сифатидаги аҳамияти анча ортди. Шаҳар Юнон-Бактрия давлатининг шимолий сарҳадларидаги асосий истеҳкомига айланди.

Айни маҳалда Тармита-Термиз шимолий Бактриянинг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлганди. Бу даврда шаҳарда хунармандчиликнинг

⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии Т. 2. М-Л 1950. С. 184.

турли соҳалари ва савдо, айниқса, кулолчилик ишлаб чиқариш ривожланди. Тармита-Термизнинг сопол буюмлари тури кўп бўлиб, тайёрлаш техникаси юксак даражада эди⁷. Бу даврдаги сопол буюмларнинг кўпчилиги кулоллар чархида тайёрланган оч рангдаги ҳамда қизил-жигарранг ангоб билан копланганди. Шаҳарда тайёрланган идишларнинг кўпининг шакли маҳаллий бақтр негизига эга эди. Айни маҳалда бу ерда эллинлар таъсирида пайдо бўлган шаклдаги сопол буюмлар ҳам учраб турарди. Бу эса Бактрия эллинлар олами билан чамбарчас алоқада бўлганини кўрсатади.

Шаҳарда, шунингдек, тўқувчилик ва тошга ишлов бериш ҳам ривожланганди. Тош ва сопол урчуклар, тош меъморлик деталларининг топилиши бундан дарак беради. Шаҳар иқтисодиётида деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ҳам аҳамияти кам бўлмаган. Юнон-Бактрия даврида далалар ва боғлар ўрта асрлар шаҳристони ва рабоди ўрнида бўлгани эҳтимол. Далалар Окс — Амударё суви билан суғорилган, лекин Сурхондарё сувидан ҳам суғориш учун фойдаланилган бўлиши мумкин. Шу вақтнинг ўзида бу ерда товар-пул муносабатлари жадал ривожланди. Диодот, Евтидем, Деметрий, Евкратид, Гелиоклнинг турли қийматга эга ўттизга яқин кумуш ва жез тангалари шундан далолат беради.

Шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо муайян роль ўйнаган. Тармита-Термиз Бактрия ва Ҳиндистон шаҳарлари билан чамбарчас савдо ва маданий алоқада бўлган. Ушбу худуднинг бари Юнон-Бактрия подшоларининг ягона давлати таркибига киргани ҳам бу муносабатларнинг муваффақиятли ривожланишига кўмаклашган. Тармита - Термизда топилган фил суяги ва шишадан ясалган буюмлар бунинг ёрқин далилидир. Улар орасида эллинча санъат анъаналари асосида фил суягидан тайёрланган яланғоч унумдорлик маъбудасининг ҳайкалчаси алоҳида кизиқиш уйғотади⁸.

⁷ Пидаев Ш.Р. Керамика греко-бактрийского времени с городища старого Термеза // СА № 1 1991 С. 210-224

⁸ Костяная статуэтка с городища старого Термеза // ОНУ № 9 1986 С 30-42

Юнон-Рим олами билан алоқалар тўғрисида топилган шиша идишчалар далолат беради.

Юнон-Бақтрия даврида Окс-Амударёдаги кечувлар орасида устунлик аста-секин Тармита-Термизга ўта борган. Ўрта Осиёнинг қўшни мамлакатларига ҳамда Дашти Қипчоққа ва қайта ортига йўл олган савдо қарвонлари дарёни шу ердан кечиб ўтган, деб тахмин қилиш мумкин. Эҳтимол, шу даврнинг ўзида қўшни мамлакатлар билан савдо ишларининг бир қисми сув йўли орқали амалга оширилгандир. Афтидан, шаҳарда махсус бандаргоҳ шу мақсадда барпо этилган ва ундан савдо кемалари юқорига ҳамда оқим бўйлаб қуйига, қадимги Хоразм мулкига қадар борган бўлса керак.

Мил. авв. II аср ўрталарида Юнон-Бақтрия давлати сиёсий таназзул ёқасига келиб қолди. Сиёсий беқарорлик мамлакатда иқтисодий ҳаётнинг оғирлашувига олиб келди. Вужудга келган шароит шу давлатнинг шимолий сарҳадларида турган кўчманчилар юэчжиларга жуда қўл келди. Улар Бақтрияга бостириб кириб, тез орада уни эгаллаб олдилар. Бу воқеа, афтидан, мил. авв. 140—130 йиллар орасида содир бўлган. Ҳар ҳолда Бақтрияга мил. авв. 128 йилда келган хитой элчиси Чжань Цянь уни юэчжилар томонидан бўйсундирилган ҳолда кўрган. Хитой маълумотларига кўра, юэчжилар Бақтрияни истило этгач, Гуйшуй дарёси (Амударё)нинг шимолий томонини қароргоҳ қилиб олганлар.

Тармита-Термизнинг шундан кейинги тарихи юэчжи кушонлар билан боғлиқ. Даставвал шаҳар ва унинг атрофи юэчжи князликларидан бирининг тасарруфида бўлган ва балки, унинг маъмурий маркази ҳам бўлгандир. Бу жиҳатдан танга топилмалар катта қизиқиш уйғотади. Улар юэчжилар даврида ушбу барча ҳудуд ягона мулк бўлганлигини, уларнинг ҳукмдорлари

Гелиоклнинг тетрадрахмалари намунасида танга зарб этганликларини кўрсатади.

Юэчжилар даврида шаҳар собиқ шаҳар деворидан ошиб ўтиб, шимолий йўналишда, Дунётепага ҳамда ўрта асрлар шаҳристони банд этган худудга томон кенгая борди. Чингизтепа ўрнидаги истехком тизимининг барпо этилиши даври ҳам, эҳтимол, шу билан белгиланар. Кўрғондан шимол томондаги худудларнинг ўзлаштирилиши ҳам юэчжилар даврига тўғри келади. Шаҳарнинг бу тарика жадал равнақ топиши, табиийки, унинг аҳолиси кескин кўпайиши билан боғлиқ эди. Бу ҳодиса келгинди аҳоли, хусусан юэчжилар ҳисобига рўй берган бўлиши мумкин. Юэчжилар орасида ўтроқлашиш ҳамда шаҳар аҳолиси муҳитига сингиш ва янги аҳоли пунктларини ўзлаштириш жараёни бошланган эди. Бу даврда шаҳар атрофида суғориладиган ер унумдорлигини ошириш ва уни сув билан таъминлашга қаратилган катта агромелиорация иши олиб борилди, бунинг учун Сурхондарё сувини шаҳарга олиб келувчи магистрал канал барпо этила бошланди⁹. Бу каналнинг бош иншооти уни муҳофаза этиш учун қурилган кальасидан иборат бўлган Талитоғоратепа минтақасига тўғри келарди. Айни маҳалда канал бўйлаб бир нечта янги қишлоқлар вужудга келди, Термиз аэропорти яқинида жойлашган Мирзақултепа шулардан бири эди. Канал қурилиши ҳамда суғорма ерларнинг кенгайтирилиши натижасида Тармитанинг кушонлар даврида янада равнақ топишига имкон яратилди. Ушбу канал Тармита-Термизнинг шундан кейинги тарихида муҳим роль ўйнади. Шаҳарни ривожлантириш ҳамда унинг топографияси ушбу канал йўналишига боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Юэчжилар даврида шаҳар иқтисодиётида хунармандчилик ишлаб чиқаришининг роли бирмунча ортди. Бу косиб хунармандчилик маҳсулотига

⁹ Букинич Д.Д. Каналы древнего Термеза // Труды ТАКЭ Т. 2. Ташкент. 1945 С. 191-195

талабнинг ошиши билан боғлиқ ҳолда юз берганди. Бу эса, ўз навбатида, бир томонидан, шаҳарнинг раванқ топиши ва аҳолининг кўпайиши, бошқа томондан эса, минтақада умуман аҳолининг, кўпроқ кўчманчиларнинг сони ортиб бориши билан боғлиқ эди.

Кўплаб топилган тангалар товар-пул муносабатлари ривожланганидан далолат беради.

Юэчжилар даврида шаҳар маданий ҳаётида ҳам муайян ўзгаришлар юз берди. Бу шаҳар муҳитига кўчманчиларнинг маданий анъаналари сингишининг натижаси эди. Оқибатда бу ерда маҳаллий — бактр, эллинча ва кўчманчилар маданиятининг энг яхши ютуқларини сингдирган ўзига хос бадий маданият юзага келди.

Милодий I аср бошида буюк Кушон империяси вужудга келди. У юксак тараққий этган чоғида ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон ерларини бирлаштирди. Шу даврда шаҳар ғоят раванқ топди, майдони 350 гектардан ошди. Бироқ, Кушонлар давридаги Бактриянинг айрим шаҳарларидан фарқли равишда унда шаҳар ички қурилиши тарқоқроқ ҳолда олиб борилди. Ички шаҳар худудида, Дунётепа ўрнида ҳамда ўрта асрлар шаҳристонининг айрим участкаларида иморат зич қурилганлиги қайд этилган. Шаҳарнинг бошқа жойларида уйлар боғ - роғлар ҳамда экинзорлар орасида алоҳида кўрғон-чорбоғ тарзида жойлашган. Ички шаҳар жадал обод бўла борган. Бу ерда кушонлар даври маданий қатлами қалинлиги беш метргача боради. Шаҳарда улкан қурилиш ишлари олиб борилган, майдони 10 гектар бўлган ички шаҳар атрофи, шу жумладан дарё томондан ҳам, мустаҳкам муҳофаа девори билан ўраб олинган. Бандаргоҳ ҳам шу ерда бўлиб, у дарё бўйида кўтарилган девор билан муҳофаза қилинарди. Жануби-шарқий қисмда шаҳарни бандаргоҳ билан боғловчи махсус нишаб йўл бўлиб, у шарқ ва ғарб томонидан

яримдумалок буржлар билан мустаҳкамланган мудофаа девори билан ихота қилинган эди. Шаҳарга олиб кирадиган асосий йўл жануби-ғарбий бурчакда жойлашганди.

Кўхна Термиз аҳолиси мафқурасининг шаклланишида деярли етти аср (милодий I —VII асрлар) давомида буддизм катта роль ўйнади.

Диний-фалсафий таълимот сифатида буддизм милoddан аввалги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда юзага келди. Будда издошлари бу таълимотни бир неча асрлар давомида фақат Ҳиндистон доирасида тарғиб қилдилар. Бирок замонлар ўтиши билан буддизм Ҳиндистон доирасидан четга чиқди ва жахон динига айланиб борди.

Ўрта Осиё будда даъватчилари йўлидаги дастлабки ҳудудлардан бўлди. Бақтрия Ўрта Осиёда будда даъватчилари етиб келган биринчи тарихий-маданий минтақа эди. Аини маҳалда, бу воқеа қачон рўй берганлиги масаласи узоқ давом этадиган илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Айрим ҳинд тадқиқотчилари буддизмнинг мамлакатдан ташқарига, шу жумладан Ўрта Осиёга ҳам тарқалишининг дастлабки даври деб III Будда Йиғинини ҳисоблашни таклиф этишмоқда. Йиғин Маурлар сулоласидан (милоддан аввалги 261—221 йиллар) бўлган, буддизм ҳомийси сифатида шуҳрат қозонган Ашока подшоҳлик қилган йилларда бўлиб ўтган. Йиғинда буддавийлик таълимотига рубъи маскуннинг барча бурчакларида даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилинган¹⁰.

Э. Ртвеладзенинг фикрича, Ўрта Осиё халқларининг буддавийлик билан танишуви бирмунча кейин, Юнон-Бақтрия подшолиги даврида юз берган. Бу подшолик муайян босқичда Бақтрия билан буддавийлик анча мустаҳкам илдиз отиб улгурган Шимоли-ғарбий Ҳиндистон (Гандҳара)ни бирлаш-

¹⁰ Мкртычев Т.К. Термезда буддизм \\\ Термиз. Тошкент. “Шарқ” 2001. Б. 10-15.

тириб турган. Муаллиф Юнон-Бактрия подшоси Агафокл (мил. авв. 185—170 йиллар) тангаларини ўз фикрини тасдиқловчи далил сифатида келтиради. Бу тангаларнинг орқа томонида будда ступаси тасвирланган.

Ўрта Осиёдаги буддизмнинг таниқли тадқиқотчиси Б.Литвинский қатор билвосита далилисботларга асосланиб, буддизмнинг Бактрияга кириб келиши жараёнининг бошланишини Кушонлардан аввалги давр ёки илк Кушон даври (милоддан аввалги I аср — милодий I аср) сифатида белгилаш мумкин, деб ҳисоблайди¹¹.

Б. Ставиский Шимолий Бактриядаги будда ёдгорликлари борасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига кўра, буддизмнинг Бактрияда пайдо бўлиши энг машҳур Кушон подшоси Канишка даврида, милодий I аср боши II аср охирида юз берган, деб тахмин қилади¹².

Б.Мукержи ушбу муаммо бўйича бутун материаллар мажмуини, шу жумладан буддизмнинг Хитойга кириб боришини ҳам, танқидий таҳлил қилди. У милодий I аср ўрталарига келибқ буддизм Ўрта Осиёда, шу жумладан Бактрияда яхши маълум бўлган, деган хулосага келди.

Бу тахмин Канишкадан олдин ўтган Кушон подшоси Вима Токто тангалари хазинасига мувофиқ келади. Бу тангалар Шимолий Бактрия — Айритомдаги, Фаёзтепадаги, Қоратепедаги қатор буддавий ёдгорликлардан ишончли стратиграфик шароитда топилган.

Буларнинг бари буддавийликнинг Ўрта Осиёда ёйилиши жараёнини қуйидаги тарзда қайта тиклаш имконини беради. Афтидан, айрим буддавий даъватчилар бу таълимотни Бактрияда милоддан аввалги II-I асрлардаёқ ёйишни бошлаган бўлишлари эҳтимол. Лекин Шимолий Бактрияда будда ди-

¹¹ Литвинский Б.А. Зеймал Т.И. Аджина-Тепе. 1971. С. 112.

¹² Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М. 1998. С. 156 -157.

ний иншоотларининг оммавий курилишини, бинобарин, таълимотнинг минтақада ёйилишини милодий I асрнинг иккинчи ярмигагина боғлаш мумкин. Бу Бактриянинг ҳамда ўша даврда Ҳиндистоннинг ягона кушонлар давлати таркибига киргани билан изоҳланади.

Археология материаллари кўхна Термиз минтақада буддавийликнинг энг йирик марказларидан бўлганлигидан далолат бермоқда. Эски Термиз ҳудудидаги буддавийликка оид илк буюмлар тош ҳайкал бўлаклари 1928 йилда Шарқ музейининг Б. Денике раҳбарлигидаги экспедицияси даврида топилди. Ўшандаёқ экспедиция иштирокчиларидан бири А.Стрелков Қоратепадаги шахристоннинг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган ярим кўмилган ҳолдаги бир неча ғорни текширади. Тадқиқотчи уларни буддавий ғор монастир биноси сифатида талқин қилган. Бундан ташқари, А.Стрелков Эски Термиз қалъасидан жануби-шарқда кўтарилиб турган тепалик Зурмола минорасини будда ступаси қолдиғи, деб тахмин қилди¹³.

Маданият муассасалари кўшма экспедицияси 1961 йилда Б.Ставиский раҳбарлигида Қоратепани жойида ўргана бошлади. Бу иш ўттиз йил давом этди. Экспедиция таркибига турли йилларда Давлат Эрмитажи (Т.Зеймаль), Шарқ давлат музейи (Н.Сичева, А.Бредников, Т. Мкртичев), Самарқанд тарих кўриқхона-музейи (Д. Давирян), Давлат таъмирлаш институтининг бир гуруҳ таъмирловчилари (М.Шемаханская, Н.Ковалева, Л.Бузкова, Г.Вересоцкая) отрядлари кирган.

Кўп йиллар олиб борилган иш натижасида нодир буддавий ёдгорлик топилди ва у Қоратепа буддавий ибодат маркази сифатида фанга кирди. Қазинишма ишлари жараёнида олинган маълумотлар Қоратепа экспедицияси материалларининг олти тўпламида эълон қилинди. Қоратепа материалларини ўрганишга архитектура, иконография, керамика, эпиграфика,

¹³ Стрелков А. С Зурмола или Катта-тюпе около Термеза \\\ Культура сборник Мизля восточник культур Вип 1 М 1927 С 27-30

нумизматика ёдгорликларининг турли техник - технологик жиҳатлари бўйича юзлаб мақолалар бағишланган. Экспедиция ишининг асосий якуни Б.Ставиский билан Т.Мкртичевнинг буддавий ибодат марказининг тарихи кўриб чиқилган биргаликдаги мақоласида текширилган

Қоратепани ўрганиш 1996 йилда япон-ўзбек кўшма экспедицияси томонидан давом эттирилди. Бу экспедицияга К. Като (Япония) ва Ш. Пидаев (Ўзбекистон) раҳбарлик қилишди. Япон-ўзбек экспедициясининг янги топилмалари ҳамда иши натижалари Ўзбекистонда ва Японияда эълон қилинган қатор мақолаларда ёритилди.

Милодий I асрда кушон Термизининг шимоли-шарқий жанубида буддавий ибодат объектлари — Қоратепа буддавий ибодат маркази ҳамда Фаёзтепа монастири қурилиши кенг миқёсда олиб борилган. Ушбу обидаларни сув билан таъминлаш мақсадида ўша вақтдаёқ акведук (осма кувур) барпо этилгани жуда ҳам эҳтимол. Унинг қолдиқлари Эски Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий томони бўйлаб ўтувчи кўтарма кўринишида сақланиб қолган

Қоратепа буддавий ибодат маркази 7 гектарга яқин майдонни ишғол қилувчи тўртламчи даврга оид қумтош майдондан иборат уч қисмли тепаликда жойлашган. Археологик ишлар кўрсатишича, марказ турли даврларда бунёд этилган мустақил бинолардан иборат мажмуа бўлиб, ер юзаси ғордан иборат қилиб (Қоратепанинг ғарбий ва жанубий тепаликлари) ҳамда ер юзасига (шимолий тепалик) бунёд этилган иншоотларни ўз ичига олади.

Ер юзаси-ғордан иборат иншоотлар тепаликлар ёнбағридан кесиб чиқарилган майдончаларга хом ғиштдан қурилган ер юзаси бинолари ҳамда қумтошдан ўйиб очилган ғорлардан ташкил топган, Ер юзаси биноларидаги

зиналар ёнбағирда жойлашган иккинчи қават ҳам бўлганлигидан далолат беради.

Қоратепанинг ер юзаси-ғордан иборат иншоотлари (Б.Ставиский бўйича комплекслар) тарҳининг ранг-баранглиги уларнинг типологияси ҳамда вазифасига оид кўплаб саволларни юзага келтирди. Айтилиши маҳалда Қоратепа мажмуининг бунёд этилиши навбатини реконструкция қилиш ҳамда меъморий лойиҳа ечимларини таҳлил этиш натижасида Қоратепа бинокорлари ер юзаси-ғор иншоотлари тарҳининг икки асосий типини “мумтоз” (“классик”) ва “йўлак” типидан фойдаланишгани маълум бўлди. “Мумтоз” тип (чорси ховли, марказий устун атрофидаги бўйламасида бир неча тахмон-хужра бўлган айлана йўлак кўринишидаги ғор қисми) негизи Декан буддавий ғор иншоотларига бориб тақалади. Бирок Қоратепа мажмуаларининг тарҳи пириовард натижада ўз тимсолидан жиддий фарқ қилади. Бундай ўзгаришга сабаб бўлган бир неча жараённи кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, бир вақтлар мустақил бўлган ибодатхона ва монастирларнинг ягона иншоотда бирлаштирилишидан иборат буддавий ғор меъморлигининг умумий ривожланиш жараёни. Буддавий меъморлик тадқиқотчилари бу жараён милоддан аввалги I асрдан милодий давр аввалида бошланган, деб ҳисоблашади.

Иккинчидан, Ҳиндистондан четдаги усталар ғор иншоотларини барпо этишда қўллаган конструктив соддалаштиришлар. Бунинг натижасида чорси зал ўрнига (устунлари бўлган вариант сифатида) марказий устунли айланма йўлак пайдо бўлди. Бир қатор илк Қоратепа мажмуаларида ғор бинокорларини куришда йўл қўйилган хатоликлар уларни ғор иншоотлари куриш анъанасига эга бўлмаган маҳаллий усталар бунёд этганидан далолат беради.

Учинчидан, марказий пойдевор ва унга қурилган целла (ибодатхонанинг маъбудлар ҳайкаллари ўрнатилган ички хонаси) ибодатхона сифатида ма-

росим нуқтаи назаридан тушуниш Эрон ибодат меъморлиги таъсири остида юз берган. Қоратепадаги ер юзаси ғор иншоотлари тарҳий ечими иккинчи типининг илдизи, афтидан, келиб чиқишига кўра ғарбга бориб тақалади. Бу тип ғор биноларининг олд қисми гумбазли айвон тарзида безатилгани бежиз эмас.

Эпиграфика маълумотларидан келиб чиқиб, Қоратепадаги ер юзаси ғор иншоотлари монастыр ҳисобланган, деб айтиш мумкин, чунки керамикадаги битиклар орасида турли матнларда “вихара” — монастыр атамаси бир неча бор тилга олинган¹⁴.

Монастирлар жойлаштирилган зоналарнинг таҳлили улар турли маросимларни адо этиш мақсадида Термиздан келадиган буддавий қавмни қабул қиладиган 3 — 5 роҳиб истиқомат қилиши учун мўлжалланганлигини кўрсатади.

Битиклардан бирида “ҳукмдор монастыри” сўз бирикмасининг учраши термизлик аслзодалар будда ёдгорликлари қурилишига маблағ ажратганликларидан далолат беради.

Бундан ташқари, битикларда ҳомийлик қилиши мумкин бўлган бошқа расмий шахслар (ҳазиначи, суворий, балки отлиқ аскарлар бошлиғидир) тўғрисида ҳам эслатилади.

Қоратепанинг шимолӣ тепалигидаги монументал иншоотни ўрганиш давом эттирилмоқда. Бир қанча монументал бинолар, деворга ёпишган пойустунли кичикроқ ибодатхона, ташқи айвон, марказий ҳовли атрофидаги йўлакнинг бир қисми очилган. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ у атрофида турли

¹⁴ Вертоградова В.В. Индийского эпиграфика из Кара –тепа в старом Термеза. Проблем дешифровки и интерпретации М. 1995 С. 45

ибодатхона ва монастирлар жойлашган марказий ҳовлига эга монастир бўлганлигини тахмин қилиш мумкин¹⁵.

Ўзбекистон экспедицияси томонидан ер юзасидаги монастирдан шимол томонда икки ступа — кейинги даврларда қурилган ступа ичида қолган илк (асоси думалок) ступа очилди .

Будда таълимотига кўра, ступа — ичига турли буддавий ёдгорликлар кўмиб юбориладиган монолит конструкцияга эга мемориал иншоот. Будда архитектураси тадқиқотлари кўрсатишича, илк ступалар тарҳи юмалок, цилиндрсимон бўлган, нимгумбаз билан тугалланган. Гумбаз учида махсус конструкция (дхармика) бўлиб, унда нимгумбазли бир неча соябон бўлган устун маҳкамланган. Ступа буддавий коинотнинг тузилиши рамзи ҳисобланади.

Шимолий тепаликдаги ер юзасидаги монастирдан ташқари, жанубий тепаликдаги ер юзаси-ғор монастири ҳовлисида илк ступа очилди.

Буддавий архитектура тадқиқоти ступалар милодий II асрга келиб умумий қодалар асосида тузилгани ҳолда, устун асоси учун платформа бўлиб хизмат қилган мураббаъ асос шаклини касб этганини кўрсатади. Платформага, одатга кўра, шарқ томонда жойлашган нишаблик (пандус) орқали чиқилган.

Шимолий тепаликдаги буддавий монастир амал қилиши жараёнида илк ступа нисбатан кейинги қурилган (дастлаб мураббаъ, сўнг тўғри бурчакли тарҳли) ступа платформаси ичида қолиб кетган.

Кейинчалик қурилган ступа атрофида олиб борилган қазилма ишлари натижасида кўплаб тош қоплама бўлаклари топилди. Афтидан, платформа

¹⁵ Зеймаль Т.И Раскопки на северной вершине Кара-тепе 1985-1989 С.137-152

тошдан ясалган турли меъморий элементлар билан, шунингдек жатака (Будда хаётидан лавҳалар) тасвири бўлган бўртмалар, будда иконографияси қаҳрамонлари (деватлар, ҳомийлар, грифонлар) билан безатилган кўринади .

Тошқоплама Қоратепанинг жанубий ва ғарбий тепаликларидаги ер юзаси-ғор монастирлари ҳовлиларида очилган бошқа ступалар платформасини ҳам бегаган. Тош ступалар платформасига қоплама қилишдан ташқари, ступанинг айрим қисмларини — соябон, дхармикларни тайёрлашда ҳам ишлатилган. Қоратепада ҳовлилардаги равон айвонларнинг бостирмасини кўтариб турувчи устунларнинг пойустунини тошдан ясаш кенг расм бўлган¹⁶.

Оз бўлсада топилган бўлақлар Қоратепада Будданинг тош ҳайкали ҳам бўлганлигидан далолат беради.

Айни маҳалда Қоратепа иншоотларининг ички бегаги Будда, бодхисаттвалар, ҳомийларни тасвирловчи гил-ганч ҳайкаллардан иборат бўлгани аниқ. Одатда, монументал гил-ганч ҳайкаллар танаси синч (қамиш, ёғоч)дан гилни қатлам-қатлам қилиб ёпиштириш усули билан тайёрланган. Тугал пардоз алоҳида тайёрланган (яхши ийланган) гил билан берилган. Ҳайкал юзаси нақш учун асос бўлувчи ганч қатлами билан копланган. Тана очик қисмларига оч пушти, баъзан эса олтин ранг берилган. Кушонлар даврида Будда либоси қизил, бодхисаттвалар утгаравасакаси (ички юбкаси) эса яшил рангда берилган.

Ҳайкал тайёрлашда уни қўлда тарошлаш билан бирга қолипда қуйишдан ҳам кенг фойдаланилган. Зеб-зийнат буюмлари, гуллар, тананинг турли қисмлари — юз, кулоқ, сочтурмак қисмлари, қўл бармоқлари, оёқ товонлари

¹⁶ Мқртычев Т. К Термизда буддизм \ Термиз Тошкент “ Шарқ” 2001 35-37 Бетлар

қолипда тайёрланган. Баъзан бошнинг турли қисмлари бир нечта қолипда қўйилиб, сўнг бирлаштирилган.

Гил-ганч хайкаллар, одатда, ҳовли ён деворларидаги ҳамда олд деворларидаги тоқчаларга, йўлакларга, ҳовли олдида ҳам, бино ичида ҳам деворга ёпишган асосларга қўйилган. Ғор монастирларидан бирида (Ю мажмуи) ғордаги йўлакнинг этагидаги тоқчада жойлашган ёғоч асос қолдиқлари топилган.

Қоратепа иншоотлари ичини безашда деворий расм муҳим ўрин тутган. Одатда, сарой деворларига ран-баранг воқеабанд расмлар ишланган. Расмлар орасида Будда, роҳиблар, хомийлар тасвири бўларди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ғордаги иморатлар ҳам бир рангдаги, ҳам кўп рангдаги нақшинкор расмлар билан безатилган. Оддий нақш — учбурчак, бир-бири билан кесишувчи эгри чизиқлар билан бир қаторда эллиплар анъаналарига бориб тақалувчи анча мураккаб тақсимлар ҳам, ўз ичига буддавий рамзларни (пурна-гхата — нилуфар униб чиқаётган идиш) олганлари ҳам учрайди.

Эпиграфика маълумотлари Қоратепа монастирларида буддавий таълимотнинг хинаяна оқимига мансуб Махасангхиклар мактаби вакиллари истиқомат қилишганидан далолат беради¹⁷. Бироқ буддавийликда янгича махаянистик оқимнинг пайдо бўлишига олиб келган йўналишни айни махасангхиклар ривожлантирганликлари маълум. Махасангхиклар ступага қатта илоҳий мазмун бахш этишган: улар Будда образидан ташқари ўз таълимотларига бодхисаттва (шахзода Сиддхартха) тўғрисидаги тасаввурларни ҳам олиб киришган.

Турли даврларда қурилган Қоратепа монастирлари, афтидан, муайян босқичда (милодий II—III асрларда) биргаликда мавжуд бўлганга ўхшайди.

¹⁷ Вертоградова В. В. Индийская эпиграфика из Кара-Тепе в старом Термезе М. 1995

Ҳайкаллар ва деворий расмлар билан ғоят чиройли безатилган, даъватлар олиб борган ва турли маросимларни ўтказган олим роҳиблар истиқомат қилган Қоратепа монастирлари замондошларда улкан буддавий ибодат маркази сифатида таассурот уйғотган.

Фаёзтепа ушбу марказнинг қисмларидан бири бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Қоратепа иншоотларидан фарқли равишда, бу ерда монастир ер юзасида милодий I асрнинг иккинчи ярмида бир йўла қурилган. Унинг тарҳи тўғри тўртбурчак (ўлчами 117x34), уч қисмли аниқ таркибда: марказда — ўртасида ҳовли бўлган ибодатхона қисми; шарқдан монастир, ғарбдан эса хўжалик қисми ёндошган. Илк қушонлар даврида шаклланган ва Шимолий Бақтриядан Марказий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда кенг тарқалган бундай тарҳ ер юзасига қурилган буддавий монастирлар (вихаралар)га хос бўлган. Фаёзтепа монастирлари ҳам, Қоратепа монастирлари сингари, тош ва гилганч ҳайкаллар, деворий расм билан улуғвор безатилган.

Жануб томонда, монастир деворларидан ташқарида, ибодатхона қисмининг рўпарасида ступа жойлашган. Қоратепанинг шимолий тепалигидаги монастирдаги сингари, бу ерда ҳам юмалоқ тарҳли, кейинроқ атрофи ўраб олинган илк ступа топилган. Унинг гумбази абадият конуни рамзи бўлган чарх, нилуфар тасвирлари билан бир рангда безатилган. Л.Альбаум фикрича, бу ступа милодий I асргача бўлган даврда бунёд этилган, монастир ишлаб турган қушонлар даврида эса унинг атрофи ўралган. Лекин, ступа кейинроқ, милодий I аср ўрталари — иккинчи ярмида қурилган монастир билан бир вақтда барпо этилгани эҳтимолга яқин.

Қушонлар даврига оид бошқа маҳобатли будда иншооти Зурмола минорасидир. А. Стрелков уни ступа деб ҳисоблади. Археологик ўрганиш натижасида у тана барабани (диаметри 14,5 м) ўрнатилган тўғри бурчакли асос (22x16м) дан иборат эканлиги маълум бўлди. Тоштахталар ҳамда тарош-

ланган бўлаклар парчалари кўплаб топилгани ступа ташқаридан тош билан копланган, деб хулоса чиқариш имконини берди¹⁸. Ступа мустақил иншоот бўлганми ёки бизгача етиб келмаган будда иншооти таркибига кирганми, афсуски, ечилмай қолди.

Кушонлар давридаги Термиз (кенгрок олганда — Шимолий Бактрия) буддавий санъати обидаларининг техник-технологик ва иконографик таҳлили натижасида буддавий ибодат иншоотларини безаган усталар ва улар амал қилган бадий анъаналар тўғрисида муайян хулосалар чиқариш имкони яратилди.

Чунончи, буддавий иншоотларни безаган тош меъморий деталлар, бўртмалар ва ҳайкалларни тошга ишлов беришда Юнон-Бактрия анъаналарини давом эттирган маҳаллий усталар ясаганлар. Хўжа Гулсор ёдгорлигидаги кондан қазиб олинган органик оҳактош улар ишлайдиган материал манбаи бўлиб хизмат қилган. Айти маҳалда, буддавий биноларнинг мавжудлиги ҳамда безатилиш динамикасини ўрганиш бузилган ва тўзиб борган тош меъморий деталлар ўрнига аста-секин гилдан ясалганлари кўйилганини кўрсатди. Илк ўрта асрлардаги Бактрия-Тохаристон буддавий ёдгорликлари тош билан безатилмагани диққатни тортади.

Ўрта Осиё гил-ганч ҳайкалтарошлигининг технологик анъаналари илк эллинлар даврида шаклланган, деган фикр мавжуд. У юнон усталар эллинлар оламида ҳайкалтарошликнинг асосий материали сифатида қабул қилинган тошдан маҳаллий шароитда топиш осонроқ бўлган гилга ўтишга мажбур бўлганликларига асосланади. Лекин Ўрта Осиё гил-ганч ҳайкалтарошлиги анъаналари илк аҳамонийлар даврига бориб тақалувчи анча қадимий илдизга эга. Бу анъана эллинлар даврида қўшимча ривож топгани шубҳасиз.

¹⁸ Пугаченкова Г.А. Две ступа на юге Узбекистана // Советская археология. 1967. №3 С .258-259

Ўрта Осиё гил-ганч ҳайкалтарошлиги ривожланишига таъсир кўрсатган яна бир омил кушонлар даврида буддавий иконографияга Будданинг одамсимон қиёфаси кенг жорий этилганлигидир. Шимолий Бақтрияда буддавий иншоотларни барпо этиш кенг тус олган ҳамда буддавийлик ўз санъатининг гўзаллиги билан кушон аслзодалари қалбини ром этишга интилан даврда бақтриялик ҳайкалтарошларга топиш осон ва арзон бўлган материал гил-ганчдан буддавий ҳайкаллар ясаш бўйича кўплаб буюртмалар туша бошлаган.

Термиздаги буддавий ёдгорликлар деворий расмларининг технологик хусусиятини ўрганиш уларни ясаган усталар ҳинд рассомлик анъаналарига алоқадор бўлмаганликларини кўрсатди. Улар фойдаланган ҳажмдор қилиб ясаш усули уларнинг эллинка рассомлик анъаналарига оид бўлганликларидан далолат беради. Кушонлардан олдинги ва илк кушонлар даврида Бақтрияда юнон-рим оламининг шарқий чегараларидан келган усталар кўпчиликни ташкил этганлиги эҳтимол. Афтидан, уларнинг атрофида Юнон-Бақтрия санъати анъаналарини давом эттирган маҳаллий бадий анъана шаклланганга ўхшайди.

Шундай қилиб, Термиздаги будда ёдгорликларини безатиш билан буддавий бўлмаган усталар шуғулланишган. Иконография таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, улар намуна сифатида гандҳара ва матхур санъати асарларидан фойдаланишган. Улар будда иконографияси билан қандай танишганлар — келтирилган буюмлар, асосан майда ҳайкаллардан нусха кўчирганларми, будда роҳиблари раҳбарлиги остида ишлаганмилар ёки махсус альбомлардан фойдаланганмилар, деган савол жавобсиз қолмоқда.

III асрнинг иккинчи ярми — IV аср бошларида Бақтрия (Тохаристон)да йирик сиёсий ўзгаришлар юз берди. Улар қўшни Сосонийлар Эрони давлатининг шарқдаги сиёсати кучайиши туфайли содир бўлди.

Сосонийларнинг ҳарбий юришлари ушбу минтақанинг Кушон империясидан ажралишига ва бу ерда кушонларга тақлидан танга зарб қилган маҳаллий ҳукмдорлар пайдо бўлишига олиб келади. Бироқ унча кўп вақт ўтмай Сосонийлар Бактрияга ўз ноибларини қўйдики, уларнинг сиёсий тарихи Эрондан тайинланган шахзодалардан тортиб, ўз пулини зарб этган маҳаллий сулолаларгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Шимолий Бактриядаги кўплаб буддавий ёдгорликлар — Айритом, Далварзинтепа шаҳри яқинидаги будда ибодатхоналари — Дт 1 аини шу даврда фаолият кўрсатмай қўйди. Қоратеподаги айрим биноларнинг бўшаб қолиши, сўнг эса харобага айланиши шу давр билан боғланади. Бироқ кеч кушон давридаги Қоратепа иншоотларини пухта ўрганиш жараёнида гўёки будда монастирлари ва ибодатхоналарини яқсон қилган Сосоний кўшинларига ағдариш мумкин бўлган вайронгарчилик излари аниқланмади. Қоратепа монастирларидан бирини Сосонийлар зардуштийлар ибодатхонасига мослаб қайта қуришга ҳаракат қилишгани тўғрисида Б.Ставиский ёзиб, кейинги босқичлардан бирида барпо этилган оташкадани мисол келтиради. Бироқ кушонлар даври будда монастирлари маросимларининг таҳлили кўрсатишича, буддавийликда олов ёқиш кенг расм бўлган экан. Ўрта форс битиклари буддавийлар тарк этган ташландиқ ғорда бўлиб, улардан бири Сосонийлар қўшинининг Зик исмли котибига тегишлидир¹⁹.

Қоратеподаги айрим монастирларнинг бўшаб қолиши ҳамда минтақадаги буддавий ёдгорликлар фаолиятининг тўхташи ҳукмдорларнинг алмашилиши ва буддавийлик салафлари сингари ихлосманд бўлмаганларнинг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ эди. Улар буддавий монастирларга мадад кўрсатиш учун маблағ ажратмай қўйганлар (ёки уни жиддий равишда камайтириб юборганлар), натижада иморатларни

¹⁹ Луконин В. Г. Среднеперсидские надписи из Каратепе // Буддийские пещеры Каратепе в старом Термезе. М. 1969. С. 41

таъмирлаш ва безаш учун маблағ топилмаган. Бу жараён Қоратепадаги қатор монастирларда аниқ-равшан кўринади, улар фаолиятининг охириги босқичи (милодий III асрнинг иккинчи ярми охири)да хоналардаги нақш профессионал бўлмаган рассом томонидан чизилгани кўриниб турибди. Афтидан, роҳиблардан бири билиб-билмай кизил панель устидан кизил учбурчаклардан иборат нақш чизган.

Аммо Қоратепадаги ишлаб турган монастирлар сони кескин камайиб кетганига қарамай, уларнинг баъзилари кушонлардан кейинги даврларда ҳам фаолият кўрсатган. Чунончи, В мажмуидаги ибодатхонада аввал ҳайкал турган асос устида Будданинг лойдан ясалган ҳайкали қайд этилган. Ҳайкал танасида топилган тангага кўра, уни IV асрдан олдин ясалмаган дейиш мумкин. Бироқ, янги ҳайкалга нақш ишланмаганидан келиб чиқиб, у қандайдир сабабга кўра тугалланмай қолган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бошқа монастирнинг ғор қисмида (Д мажмуи) девор бир рангдаги расм билан безатилган, унда тасвири шарҳловчи брахма битиги бор. В. Вертоградова фикрича, битик, бинобарин, расмлар ҳам V асрга тааллуқли, дейиш мумкин .

Ушбу ғор иморатда олов гардишда ўтирган Будда — Будда-Мазда шакли устига туширилган бактрча битик ўша даврдаги мураккаб профессионал вазият тавсифи борасида катта қизиқиш уйғотади

В. Вертоградова керамикадаги битикни таҳлил қилиб, Қоратепадаги айрим монастирларда роҳиблар V аср — VI аср бошларида ҳам яшашда давом этганлар, деб ҳисоблайди.

1.2. Фаёзтепа буддавийлик иншооти меъморчилиги

Қоратепадан фарқли равишда, Фаёзтепада IV аср ўрталаридаёқ ҳаёт тўхтаган. Л.Альбаум фикрича, монастыр Шопур II қўшини томонидан вайрон қилинган. Айни маҳалда бузғунчиликнинг моддий далиллари йўқ. Афтидан, монастыр тақдири ҳам ўша даврдаги кўпчилик буддавий ёдгорликлар тақдирига ўхшаган — инъом-эхсон тўхтаб, у хароб бўлган. Бирок эълон қилинган реконструкция кўрсатишича, кеч бунёд этилган Фаёзтепа ступасининг тарҳи хочсимондир²⁰. Буддавий ступалар меъморий қиёфасининг ўзгариш динамикасини очиб берган тадқиқотларга кўра, Фаёзтепада бундай тарҳга эга ступа V асрдан кейингина пайдо бўлган. Шу муносабат билан буюк қушонлар даврида (думалоқ тарҳга эга) илк ступа квадрат асосдаги кейинги ступа билан ўраб олинган ва асосга чиқиш жойи битта бўлган. Кейингина, тахминан V асрда бўшаб қолган монастыр ёнида ступа таъмирланган ва асосга уч томондан зинапоя қилинган, натижада асос хочсимон шакл касб этган. Айни маҳалда, кейинги ступанинг қурилиши вақти қайта кўриб чиқилар экан унинг қанча вақт мавжуд бўлганини аниқлаш учун етарли маълумотлар мавжуд эмас.

Машҳур хитой зиёратчиси Сюань-Цзян саёҳати баёнида Термиз эслаб ўтилган. У Термиз ҳақида 12 буддавий монастыр бўлган ва 1000 га яқин роҳиб истиқомат қиладиган катта шаҳар сифатида ҳикоя қилган.

Бироқ Эски Термизни кўп йиллик ўрганиш давомида унинг ҳудудида ҳам, атрофида ҳам VII-VIII аср қатламларига эга буддавий ёдгорликлар топилмади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Қоратепа монастырларининг ташландик ғорларида илк ўрта асрлардаги қиёфага эга ступалар тасвирланган граффити

²⁰ Асанов А.А. Фаяз-тепе \\\ Строительское архитектура Узбекистана. № 6 1976. С. 32-34

(тирнама чизмалар) топилди. Аммо бу чизмада Термизда жойлашган ступа (масалан, кеч Фаёзтепа ступаси) тасвирланганми ёки буддавийлар бошқа бирон жойда кўрганларини тасвирлаганларми, ноаниқлигича қолмоқда.

Бугунги кунда биз араблар фатҳи даврида Термизда буддавийлар аҳволи қандай бўлгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Буддавий монастыр борлигига ягона ишора ат-Табарийнинг ал-Хорис Термизни камал қилгани тўғрисидаги ҳикоясида мавжуд. Унга мададга келган ал-Ашканд ўз қўшинини монастыр ортига пистирмага қўйган²¹. Бу монастырда ўша таҳликали даврда роҳиблар яшаганми ёки бу улуғвор бино ташландик ҳолда бўлиб, бошпана сифатида хизмат қилганми — бу ҳақда манбада хабар йўқ.

Термизда буддавий ёдгорликлар ишлаб турган бўлса, араблар уларга қандай муносабатда бўлганлиги ҳам номаълум. Айни маҳалда араблар Ўрта Осиёда мажусийлар ибодатхоналарини вайрон қилиш билан бирга, ишлаб турган номусулмон ибодатхоналардан махсус солиқлар олишни йўлга қўйишган²². Афтидан, ҳар икки ҳолат ҳам Термиз ва унинг атрофида буддавий ёдгорликлар фаолияти тўхташига олиб келган кўринади. Термиздаги будда монастырларида яшаб турган роҳиблар буддизмнинг фаол тарафдори бўлган Каркот сулоласи ҳукмронлик қилаётган Кашмир томонларга қўчиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

VIII —IX асрлар давомида Тохаристон аҳолисининг кўпчилиги араблар келтирган янги — ислом динини қабул қилди. Бунда, афтидан, иқтисодий сабаблар ҳам жиддий роль ўйнаган. Фатҳ этилган ҳудудларда номусулмонларга катта солиқ солингани маълум. Шу тариқа, исломни қабул қилган киши катта харажатдан халос бўлган. Эҳтимол, эътиқоддан кўра маблағни юқори қўйганлар орасида будда қавмидан ҳам бўлгандир.

²¹ История Ат- Табарий. Тошкент. 1987. С. 238

²² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т 1. 1963. С. 49

Бироқ ўзининг аввалги аҳамиятини расман йўқотган бўлишига қарамай, буддизм Термиз аҳолиси дунёқараши шаклланишига яна узоқ вақт таъсир кўрсатиб келган.

Термизлик машҳур мутасаввуф-мутакаллим Ҳаким ат-Термизийнинг ижоди бунинг ёрқин мисоли бўлиб, тадқиқотчилар унда буддавийлик унсурларини топишмоқда.

Граффитдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илк ислом даврида Қоратепанинг ярим кўмиб юборилган ғорлари тез-тез зиёрат қилиб турилган. Зиёратчилардан бири тутган рўзасини ғор деворига қайд этиб қўйган. Балки бу зоҳид ҳам Қоратепани зиёрат қилган бошқа одамларга ўхшаб, ат-Термизийнинг издоши бўлиб, мусулмон тасаввуфининг буддизм билан генетик алоқасини ҳис қилган ҳолда айни шу ерга келгандир.

Термизни археология нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш натижасида унинг моддий ва бадиий маданиятнинг турли шаклларида муҳрланиб қолган маданияти тарихи бўйича турли-туман материалга эга бўлинди. Бадиий маданиятнинг кўзга кўринадиган намуналари ер юзасидаги обидалар ҳамда қазиш ишлари жараёнида аниқланган иншоотлар қолдиқлари тарзида бизга етиб келган меъморий ёдгорликлардир.

Тасвирий санъатнинг илк намуналари — ҳайкаллар, расмлар, маиший буюмлар икки катта буддавий монастыр — ғорли Қоратепа ҳамда ер юзасидаги Фаёзтепани қазиш жараёнида топилган.

Кушонлар даврида Тармита-Термиз Ўрта Осиё буддизмнинг йирик марказига айланди. Шаҳарда, айниқса, унинг шимоли-ғарбий чеккасида кўплаб будда иморатлари барпо этилди. Бу ерда 7 гектар майдонда улкан будда маркази бунёд этилиб, у Қоратепа сингари машҳур турли характердаги ўттиздан зиёд ибодатхонани ўз ичига олган. Ибодатхона мажмуаларининг

кўпчилиги ер юзасидаги ҳамда ғор иншоотларини ўз ичига олгани унинг ўзига хос хусусиятидир. Ер юзасидаги қисми чор атрофи айвон билан ўралган очик ҳовлидан иборат бўлган. Ибодатхона тарзининг томонларидан бирида ер юзасидаги қисми ғор билан боғловчи йўл жойлашган. Дастлабки ибодатхоналар “Г”-симон ғор иншоотларидан иборат бўлган, кейингилари эса “П”-симон бунёд этилган. Қоратепанинг шимолий қисмини ер юзасига қурилган, икки поғонали платформа устига катта ступа ўрнатилган монастир банд қилган. Бу ступа муайян даврларда тош ҳайкаллар билан ҳашаматли безатилган. Қоратепадан топилган воқеабанд расмлар, тош ва гил-ганч ҳайкаллар у ердаги бошқа ибодатхона мажмуалари ҳам ҳашаматли безатилганидан дарак беради. Уларда Будда, бодхисаттва ва бошқа буддавий қаҳрамонлар, шунингдек, ҳомийлар ҳаёти билан боғлиқ сахналар тасвирланган²³. Бақтр, кхароштхи, брахма ва ўрта форс ёзувида керамикага ҳамда ибодатхона деворларига битилган лавҳалар алоҳида қизиқиш уйғотади. Улар топилиши билан, бир томондан, тиллар грамматикаси ҳамда лексикаси тўғрисидаги тасаввурлар бойиган бўлса, иккинчи томондан, Тармита-Термизнинг қадимги дунёнинг бошқа мамлакатлари билан маданий алоқалари ҳақида маълумотга эга бўлинди, шу монастирлар номи билан аталган роҳиблар ва ҳомийлар исмларидан хабар топилди. Жумладан, “кхадевака вихара”, яъни нодшо монастири ҳамда “вихара Гулавхара” деб ўқилган лавҳалар топилган. 40, Қоратепадан шимол томон бир километр масофада ер юзасига қурилган катта (17м x 34 м) Фаёзтепа монастири жойлашган. Асосий маросимлар ўтказилган марказий бино Фаёзтепанинг боғловчи бўғини бўлган. Бу ерда хоналар айвон билан ўралган ҳовлининг чор атрофида жойлашган. Марказий бинодан шимолда ступа бўлган. Монастир ибодатхонаси марказий бино жанубий тарзининг марказида бўлган. Ибодатхона ичи деворий расмлар, Буддани, бодхисаттвани ва бошқа

²³ Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М. 1998. С. 232-244.

каҳрамонларни тасвирловчи тош ва гил-ганч ҳайкаллар билан ҳашаматли безатилган²⁴.

Шаҳарнинг жануби-шарқий чеккасида жойлашган ҳамда бир маҳаллар тош бўртмалар билан чиройли безатилган йирик будда ступасининг қолдиғи бўлган Зурмола Тармита-Термизнинг буддавий ёдгорликларидан биридир.

Тармита-Термиз буддавий ёдгорликларини тадқиқотлар қилиниши натижасида буддизмнинг Ўрта Осиёга кириб келган вақти ва йўлини аниқлаш имкони яратилди. Тармита-Термиз аҳолиси буддизм билан дастлаб мил. авв. I асрда танишган ва афтидан, кушон давлаги вужудга келган даврда маҳаллий аҳоли орасида Будда таълимотини фаол тарғиб қилган будда даъватчиларининг анча йирик жамоалари мавжуд булган кўринади. Лекин буддизм Кушон давлати милодий I асрдагина Тармита-Термизга жадал кириб келди. Натижада будда даъватчилари мамлакат бўйлаб оммавий равишда кеза бошладилар. Сотер Мегас ва Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврига келиб шаҳарда будда жамоаларининг мавқеи анча салмоқли ва сезиларли бўлиб қолди. Бу вақтда шаҳарликлар, аслзодалар ва маъмурлар, ноиблар жумласидан кўпчилик Будда таълимотини ўрганиб, мурид бўла бошлади. Акс ҳолда, Тармита-Термиз шаҳри аҳолиси турли қатламларининг кенг мададисиз, будда жамоасининг ўз кучи билангина Қоратепа ва Фаёзтепа сингари улкан ипшоотларни кўришганига ишониш қийин бўларди.

Шаҳарда буддизмнинг асосий равақ топиш даври милодий II —IV асрларга тўғри келди. Кушонлар даврида шаҳарда ўзига хос услуб ва хусусиятга, бой ижодий анъанага эга бўлган, афтидан, кушонлар даври Бактрия бадий маданиятининг таркиб топиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган бадий мактаб вужудга келган.

²⁴ Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе \\ Древняя Бактрия. Л. 1974. С. 53-58.

Будда ибодатхоналари ва монастирлари, у ерларда истиқомат қилувчи роҳиблардан ташқари, шаҳар ва унинг атрофида яшовчи будда қавмига, шунингдек савдогарлар ва буддавий даъватчиларга ҳам мўлжалланган. Тармита-Термиз будда иншоотларининг сони ва ҳажми бу динга эътиқод қилувчилар кўпчилигини ташкил этганидан дарак беради. Подшо вихараси шу ерда жойлашганлиги ҳам будда иншоотлари шаҳар мафкуравий ҳаётида алоҳида роль ўйнаганини кўрсатади.

Кхароштхи битикларига кўра, Тармита-Термизда асосий будда мактаби Махасангхика бўлган. Бу ерда бошқа будда мактаби Сарвастивадига эътиқод қилувчилар ҳам яшаган²⁵.

Тармита-Термизлик будда илоҳиётчилари орасида Будда таълимотини мукамал билган билимдонлар кўп бўлган. Буддхашира, Буддхамитра, Живанандини шундай донишмайдлар жумласига киритиш мумкин. Уларнинг номлари Тармита-Термиздаги будда монастирларидан топилган лавҳаларга битиб кетилган. Шу шаҳардаги будда марказида таълим-тарбия олганларнинг кўпчилиги Бақтрия худудидан анча ташқарида даъватчилик билан шуғулланган, деб ҳисоблаш мумкин. Тибет буддавий анъанасида Тармида туғилиб ўсган, Винайя сутратипикига шарҳ ёзган, Тибет будда конунларида қайд этилган Дхармамитранинг номи сақланиб қолган. Хитой тарихнавислигида ҳам милодий биринчи асрда Хитой шаҳарларида будда матнларини таржима қилиш ва уларга шарҳлар битиш билан шуғулланган кўплаб бақтрияликларнинг номи қайд этиб кетилган. Улар орасида Тармита-Термизда туғилиб ўсганлар ҳам бўлиши эҳтимол. Будда даъватчилари Шарқий Туркистон ва ундан ўтиб, шаҳобчаларидан бири Амударё орқали ўтган Буюк Ипак йўлидан Хитойга боришган. Бу минтақалардаги ўзаро ўхшаш бадий маданият буюмлари ҳамда будда иншоотларининг ўзи ҳам

²⁵ Харматта Я. К интерпретации индийских надписей на керамики из Кара- тепе в старом Термезе. М. 1969. С. 36

Тармита-Термиз будда жамоаларининг Шарқий Туркистон ва Хитой жамоалари билан алоқалари кучли бўлганлигидан далолат беради.

Мазкур монастырларни ўрганишда топилган ҳайкалтарошлик ва рассомлик намуналари буддизм билан боғлиқ. Бу объектлар у ерда вужудга келган мавзулар ва образлар билан алоқадор бўлиб, айти маҳалда айрим бадиий образларда маҳаллий белгиларга ҳам эга эди.

Расм Термиздаги иккала монастырнинг ибодатхоналари деворларига ишланган. Қоратепада расм қоятошдан қилинган девордаги лой сувоқ устидан тортилган ганч сувоққа чизилган. Фаёзтепада хом ғишт ва пахсадан кўтарилган девор шундай сувоқ қилинган. Вақт ўтиши билан каттик зарарланган расм бизгача қисман етиб келган, шундай бўлсада, унинг қолдиқлари тасвирнинг умумий мужассамотини ҳамда мавзуини аниқлаш имконини беради.

Нақш чизиқлар ҳамда энли суртмалар тарзида ишланган. Оқ фонда унинг кора, кизил, сариқ, кўк ранглари кўриниб туради. Қоратепада деворнинг айрим қисмларига тўртбурчаклар, олти қиррали юлдузлар, чоргул нақш қилинган. Шу билан бирга буддавий мавзу аниқ бўртиб турган воқеабанд нақшлар парчалари ҳам топилган.

Шундай парчалар орасида Буддага эҳтиром саҳнаси ҳам бўлиб, унда муруқабба ҳолатидаги маъбуд тик турган ёки чордана қуриб ўтирган ҳолда, унинг икки томонида эса дарахтлар фониди роҳиблар ёки қўл қовуштириб турган аёллар тасвирланган.

Фаёзтепа деворларидаги расмлар ҳам анъанавий сюжет бўйича чизилган. Ибодатхона деворларидан бирига бутун бир мужассамот ишланган (унинг қуйи қисми сақланиб қолган). Унда икки эпизод бўлиб, марказда узун кийим-санхати кийган Будда тасвирланган. Унинг икки томонида қўл қовуштирган

кўйи дуо билан машғул бўлган узун кийимда аёллар турибди. Кийимлари матосига нақш туширилган. Барча ибодат қилувчилар нақшинкор гилам устида турган ҳолда тасвирланган.

Ибодатхонанинг рўпара деворида кўп шакли мужассамот ишланган. Марказда мужассамотнинг бош персонажи, унинг икки томонида ҳам тўрттадан қатнашчи тасвирланган. Уларнинг бари ўзига хос тор костюм, ёпишиб турувчи чакмон ҳамда кенг чолвор, этик кийган. Подшо Канишка тангаларда шунга ўхшаш тасвирланган. Бу саҳнада буддавийликка эҳтиром кўрсатаётган кушон аслзодалари вакиллари тасвирлангани шубҳасиз²⁶.

Сурхондарё вилояти (Холчаён, Далварзинтепа, Айритом)даги кашфиётлар Шимолий Бақтрияда хайкалтарошлик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Термизда у қисман топилган. Уларнинг мотиви, бир томондан, Юнон-Бақтрия давридаги эллинча санъатга бориб тақалади, бироқ асосан кушонлар давридаги буддавий сюжетларни акс эттиради. Бу хайкаллар мраморсимон оҳақгил бўлиб, Амударё соҳилларида бундай ашё кўп. Юнонча услубдаги тилоғоч новдаси тасвирланган тахта (афтидан, пирамоннинг бир қисми) шундай материалдан гайёрланган. Маркази волюталар орасида, икки қатор акантлар устида равоқ остидаги яримшакл жойлаштирилган нимустун қоши мужассамоти шундай. Аслида бу Термиздан 30 километр масофада, Амударёнинг тик қирғоғида жойлашган буддавий ибодатхона (Айритомда, милодий I аср) машҳур пирамонининг даракчиси эди.

Пирамонда икки қатор акантда кўлида мусиқа асбоби ёки тухфа кўтариб турган самовий аёлларнинг кўкраккача бўлган шакллари жойлашган.

²⁶ Альбаум Л.М. Живопись святилища Фаяз-тепе. Культура Древнего Востока. Изобразительное и прикладное искусства. Ташкент. 1990. С. 58-59.

Эски Термиздан топилган нарсалар орасида оқ тошдан тарошланган тоштахта эътиборни тортади. Унда устма-уст турган бир типдаги икки хайкал тасвирланган. Сербарг дарахт фонида Будда анъанавий ҳолатда, кўлини тиззасига кўйганича, муроқабачи килмоқда. У ридо кийган, боши ортида нурчамбар тасвирланган. Икки томонида эса муридларининг шакллари (уларнинг бошлари Будда юзи сингари, афтидан ислом динига эътиқод қилувчилар томонидан уриб синдирилган бўлса керак).

Тасвирларнинг нафислиги тош тахта уста хайкалтарош томонидан ишланганидан далолат беради. Унинг сюжети Будда илҳоми мавзуи билан боғлиқ: у Банорас яқинидаги ўрмонда анжир дарахти остида ўйчан ўтирар, муридлари эса унинг таълимотини ўзлаштирадидилар²⁷.

Ҳайкалтарошликнинг кенг халқ оммаси орасида тарқалган турларидан бири терракота хайкалчалар бўлиб, улар Термизда ҳам, Сурхондарё вилоятидаги бошқа шахристонларда ҳам топилган. Бу хайкалчалар моҳир усталар ясаган қолиплар ёрдамида кулоллар томонидан тайёрланган. Уларнинг типлари хилма-хил бўлиб, буддизм билан ҳам, қадимий халқ эътиқодлари билан ҳам боғлиқ бўлган. Эътиқод билан боғлиқ бўлган хайкалчалар орасида, масалан, сопол идишларга ёпиштирилиб, сўнг оловда пиширилган муҳофаза қилувчи ҳайвонлар шакллари бор. Терракота тахталарга босилган хайкал тасвирлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Уларнинг баъзилари буддизм образлари билан боғлиқ. Масалан, муроқабачи ҳолатида, кўлини донишмандона қовуштириб ўтирган Будда тасвири. Булар буддавийликнинг ярим яланғоч, бўйнига маржон ва кўлига билакузук тақилган кўйи тик ҳолатда рўпара турган ўсмир қиёфасидаги ихлосмандлари шакллари дидир.

²⁷ Пугаченкова Г.А. Рампель Л.И. История искусства Узбекистана. Ташкент. 1964 С.74

Буддавий мавзу билан бир қаторда бошқа типдаги терракоталар ҳам учрайди. Масалан, ўзига хос кушонлар кийимидаги эркак кишининг шакли. Бу, афтидан, Кушон ҳукмдори — мўмин буддавий образи бўлса керак.

Термиз коропластикасига ҳайкалча тарзидаги, кўпинча эса тахтадаги босма ҳайкалча тарзидаги аёллар образи хосдир. Мавжуд намуналарда буддавий санъатдан нишон ҳам йўқ. Бу бошқа дин билан боғлиқ образ эканлиги аниқ. Уни бу ерда азалдан эътиқод қилиб келинган зардуштийлик дини маъбудаси Анахита деб тахмин қилинади. Унга, айниқса, аёллар орасида эътиқод кучли эди. У тик бурмали, тўкилиб турувчи туника кийган (туниканинг юнонча варианты) ҳамда елкасига ёпқич ташлаган маъбудадир. Уларнинг кўпчилиги боши синдирилган тарзда бизгача етиб келган. Шунингдек, юзи синдирилган, лекин соч турмаги параллель тушган гажаклари сақланган алоҳида ҳайкал бошлари ҳам топилган²⁸.

Ўрта асрларда тасвирий санъат мотиви кескин ўзгарган. Бунда Тохаристон араблар томонидан фатҳ этилганидан ҳамда маҳаллий аҳоли мусулмон динини қабул қилганидан сўнг ислом бевосита роль ўйнаган. Одатда, ислом ақидалари жонли мавжудотларни, энг аввало, одамни тасвирлашни қатъиян ман этган эди. Шу билан бирга, фатҳ этилган мамлакатларнинг араб халифалиги таркибига кириши ва у ерларда исломнинг ягона эътироф этилган асосий дин сифатида қарор топиши тасвирий санъат характерида ҳам муҳим роль ўйнади.

Араб дунёси билан ҳам сиёсий, ҳам мафкуравий маънодаги бирлашувда риёзиёт, айниқса, ҳандаса илмининг ривожланиши, шунингдек араб ёзуви умумий турининг қабул қилиниши ижобий роль ўйнади. Ҳандаса назария оламидан, айниқса, меъморлик соҳасида жонли тажрибага кенг тарзда кириб келди. Ҳайкалтарошлик ва рассомлик билан боғлиқ тасвирий сюжетлар

²⁸ Мешкерис В.А Терракоты из Кара-тепе в старом Термезе . Буддийские пещеры Кара-тепе в старом Термезе. М. 1969, С. 26.

2-БОБ. Термизнинг ўрта асрлар меъморчилиги.

2.1. Ал Ҳаким ат Термизий мақбараси

Бутун Ўрта Осиёдаги каби, Сурхондарё меъморчилигида ҳам асрлар давомида синовдан ўтган қурилиш усуллари, материаллар ҳамда конструкциялар қадимдан қўлланиб келинган. Бу ерда соғ тупроқ ва ундан тайёрланган гувала, пахса ҳамда хом ғишт асосий қурилиш материаллари ҳисобланган. Даставвал унча катта бўлмаган хоналар усти ёғоч болор билан, катта ва узун хоналар ҳамда айвонлар эса ёғоч устун-болор билан ёпилган. Бироқ, яхши қурилиш материалнинг етишмаслиги ҳамда ёғочнинг ўтга чидамсизлиги кўҳна меъморларни нисбатан мустаҳкам, тежамли, зилзилабардош том конструкцияларини излашга мажбур этган. Шу тариқа вақти келиб монументал бинокорликда эшик ёки дераза ёғоч кашаги ўрнига кўпинча арк қилинган, болор солиб ёпиш ўрнига даставвал кубба, сўнг гумбаздан фойдаланилган.

Илк ўрта асрлар — VI — VIII асрларда Термизда, бутун Ўрта Осиёдаги монументал қурилишда бўлганидек, ёғоч конструкциялар билан бир қаторда бурчак бағалларда кубба ва гумбаздан фойдаланила бошланди.

Исломгача бўлган даврдаги бинолар асосан ганчкори нақш, ёғоч наққошлиги, деворий расм ва ҳайкаллар билан безатилган.

IX — X асрларда бинокорликда кўпроқ анъанавий материаллар хом ғишт, пахса, ёғочдан фойдаланилган. Шунинг учун X аср манбаларида шаҳар кўчалари, майдонлари ва бозорларига ғишт ётқизилган дейилади, шаҳардаги уйлар эса хом ғишт, пахса ёки гуваладан кўтарилганди²⁹. Шу билан бир қаторда алоҳида аҳамиятга эга айрим иншоотлар буткул пишиқ ғишtdан кўтарилган, орасига лой, айрим жойларда гил-ганч ва ганч қоришма

²⁹ Камалиддинов Ш. Историческая география южного согда и Тохаристана на арабозычных источниках Ташкент 1996 С 102-112

ишлатилган. Нам шароитда фойдаланиладиган иншоот (ҳаммом, сардоба, кўприк ва пойдевор)ларни кўтаришда оҳак-кул қоришмаси қирдан фойдаланилган.

XI асрда Термизда муҳим ва кадамжо саналадиган деярли барча иншоотлар (Чорсутун масжиди ёнидаги минора, Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуидаги XI асрга оид иморатлар, Султон Саодат ва Зулкифл пишиқ ғиштдан қурилган. Хом ғиштдан қурилган (Чорсутун масжиди) ёки қуриладиган бир қатор бинолар (Термизшоҳлар саройи) кўпинча ташқи томондан пишиқ ғишт билан қопланган. 1070 — 1074 йилларда ҳатто Термиз кўрғонининг буржли девори ташқи томондан Салжукий Маликшоҳ буйруғи билан пишиқ ғишт билан қопланган³⁰.

Катта биноларда пештоқ ва гумбазли мужассамотдан кўпроқ фойдаланила бошланди. Бунда улар олдинга чиққан пештоқлар билан, чўзиқ ва тепага бўй чўзган шаклда қурилган.

Ғишт териш санъати ҳам юқори даражага етди. Шу даврдаги монументал меъморликда ғишт ҳам асосий қурилиш материали, ҳам безак воситаси эди. Бино олд томонининг текис юзасига ғишт кўпинча нақшинкор қилиб, лекин асосан “арча” усулида ҳамда икки ғиштдан сўнг қулф-калит қилиб териларди (Султон Саодат, Зулкифл). Бунда кўндалангига ётқизилган ҳар жуфт ғиштнинг тик чоки орасига мадоҳил ёки мусамман кўринишида нақшли унсур қўйилар, натижада ғишт теришнинг бу тури “дандана” номини олганди.

Исломнинг жонли мавжудотни тасвирлашни тақиқлаши гирих, ислимий ва китоба (арабча битик) нақшларнинг фаол ривожланиши ва фойдаланилишига олиб келди. Улар деворнинг силлиқ юзасида нақшли,

³⁰ Аршавская З. А. Ртвеладзе Э. В. Хакимов З. Средневековые памятники Сурхандарьи. Ташкент. 1982. С. 28

бўртма деталлар ва ҳошиялар тарзида ажралиб турарди ҳамда нур-соя ҳосил қиларди. Шунини айтиш керакки, кувий ва насх хати такомиллашиши билан монументал ҳуснихат меъморликнинг бадиий таъсирини кучайтириб, биноларни безашда янада каттароқ роль ўйнай бошлади (Чорсутун масжиди ёнидаги минора, Ҳаким ат-Термизий мажмуотидаги масжид меҳроби ва хоказо). Умуман, китоба иншоотни қурдирган, қурган шахслар ва қурилиш санаси ҳақида, мақбараларда эса у ерга дафн этилган шахс ва унинг ҳаёт кечирган йиллари тўғрисидаги муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Ёдгорлик мажмуаларидаги мақбаралар. Термизда ҳозир ҳам жуда муқаддас саналадиган қабрлар атрофида юзага келган иккита муҳим зиёратгоҳ мажмуа мавжуд.

IX асрда яшаб ўтган, шаҳарнинг валий ҳомийси ҳисобланадиган, кўплаб суфиёна-фалсафий асарлар муаллифи, суфийликнинг ўн икки оқимидан бири — “ҳакимийя” дарвешлар сулукининг асосчиси Ҳаким ат-Термизий мажмуотидаги мақбара Термиздаги асосий қадамжодир³¹. У ўрта асрлардаги Термиз қалъаси ёнига, эҳтимол, ўзи ҳаётлигида қурилган хонақога дафн этилган. Даврлар ўтиб, унинг қабри устига пишиқ ғиштдан марказлашган мужассамотдаги пештоқ-гумбазли бир ҳадли мақбара бунёд этилган. Гумбазни тўрт бақувват равоқ ҳамда консоль-уяли бағал кўтариб турган. Мақбарага жануб томондан қирилиб, шимолий равоқ очик бўлган, қолганлари ғишт билан урилган. XI аср охирида мақбара ичи гўзал ганчкори нақш билан безатилган, улар орасида, аввалги саҳифаларда баён қилинганидек, безатган одам — Термиз ҳукмдори Абулмузаффар Аҳмад Тўғонтегин номи келтирилган лавҳ бўлган. Ислимий, гириҳ ва эпиграфик нақш ўйилган.

³¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география... 1996. Ташкент. С. 106

XI — XII асрларда мақбарага шимол томондан уч гумбазли айвон тарзида масжид солинган. У уч равоқ орқали ғишт тўшалган ҳовлига қараган. Масжиддан мақбарага қараган равоқдан сағана кўриниб турган. Бу икки иморат паст-баланд жойлашганлиги туфайли сағана бир ярим метр баландликда бўлиб қолган. Масжиднинг гўёки мадраса деворининг давоми бўлган ғарбий девори ўртасидан пишиқ ғишт қопланган ҳамда тарошланган ғишtdан куфий хат билан безатилган меҳроб очилган. Ичкаридаги бошқа деворлар, равоқлар ва гумбазлар ҳам ганчкори нақш билан безатилган. Термизшоҳлар саройи беагига яқин бўлган бу нақшларнинг хусусиятига кўра, масжид беаги бажарилган санани XII асрга боғлайдилар.

Кўҳна мақбарага шарқ томондан туташтириб унча катта бўлмаган мақбара қурилган. Пештоқдаги ёзувга қараганда, унинг санаси 1389-1390 йилларга тўғри келади. Мураббаъ тарҳли бу бинонинг гумбазини уч қанотли бағал кўтариб туради. Янада шарқроқда унга туташтириб бир неча ёрдамчи хоналар қурилган.

XV аср бошида, Халил Султон ҳукмронлиги даврида (1405-1409 йиллар) мақбарадан шимоли-шарқ томонда мажмуанинг энг йирик биноси бунёд этилган. Ҳажмий-маконий мужассамотига кўра жуда улуғвор бўлган бу бино ғаройиб расмлар ишланган гумбазли ва бинонинг бўйлама ўқи бўйича шимол ҳамда жануб томонда жойлашган икки пештоқли хонақо эди. Икки пештоқли хонақолар Ўрта Осиёда камдан-кам учрарди. Гумбазли мураббаъ галорга икки томондан чуқур равоқли тахмони бўлган пештоқлар туташган. Оддий ва аниқ конструкцияга ҳамда ғиштин безакка эга бўлган болор ичкарисини Термиздаги анча илгари барпо этилган биноларникига ўхшайди: бино ўқлари бўйича жойлашган чуқур равоқли чортоққа саккиз қиррали пойгумбаз ва унинг устига қўндирилган яккақават гумбазни кўтариб турган равоқли бағал ишланган. Ичкарида бурчаклардаги равоқ пойини кўтариб турувчи, йўғонлигининг учдан бир қисми кўриниб турган устунгўшалар диққатга

сазор. Уларнинг бурчаги кесилган призмага ўхшаш ўзига хос асоси, худди Султон Саодат мажмуидаги илк мақбаралардаги каби, ғишт кублар гўё қобирғаси билан диагонаliga қўйилганидек таассурот уйғотади³².

Ҳаким ат-Термизий мақбарасида хонақо қурилиши билан бир пайтда ғоят гўзал ясалган ўймақори мрамор сағана ҳам ўрнатилган. Ясси курсига равоқ тарзида нақшланган унча катта бўлмаган чўзиқроқ бўлак билан тугалланувчи асосий тўғри бурчакли тош бўлаги қўйилган. Сағанага юксак санъаткорлик билан эпиграфик, ислимий нақш туширилган ва ҳашаматли муқарнас шарафа ишланган. Унинг масжидга қараган ён томони ғоят зебо безатилган. Унга архитектура унсурлари ишланган: муқарнас билан тўлдирилган ва меҳроб туси берилган равоқ ёнида занжирда осилиб турган чироқлар тасвирланган икки равоқча нақш қилинган. Сағана асосий бўлагига туширилган монументал ҳуснихат ғоят нафис. Бу сағана Темурийлар даври тоштарош ва наққош усталарнинг нодир ишларидан бири ҳисобланади.

Султон Саодат қадамжо ёдгорлик мажмуи XI-XVII асрлар мобайнида Термиз саййидлари қабрлари атрофида бунёд этилган. У ҳар хил вақтда узун ҳовли атрофига қурилган ҳамда яхлит ва лўнда мужассамотга қўшилиб кетган муқаддас иншоотлар — мақбаралар, масжид, хонақодан иборат. Мажмуанинг энг кўҳна биниси ҳовлига бети билан қараган уч бўлмадан иборат жануби-ғарбий қисмидир. Бу ерда марказий мужассамотли бир ҳадли гумбазли икки мақбара жойлашган. Бу мақбараларни улар ўртасида жойлашган масжид сифатида фойдаланилган, гумбаз билан ёпилган меҳробли айвон бирлаштириб туради. Тадқиқотчилар бу қадимий гуруҳни X-XI асрлар ёки XI асрнинг ўртаси билан боғлайдилар.

Мақбаралар конструкцияси, беаги ҳамда ҳажмий-макониий мужассамоти аниқ равшан танлангани боис, улар қатъиян юксак бадиий меъморий қиёфа

³² Пугаченкова Г. А. Тамже. С 35

касб этган. Қурилиш ва безак материаллари бирлиги деворнинг юза томонига чоргул, арчасимон усулда жуфт-жуфт терилган пишиқ ғишт ҳамда белбоғ қилиб терилган тарошланган ғишт иморатларнинг таъсирчанлигини кучайтирган.

Мақбаралар чортоқи катта гумбаз қўндирилган саккиз қиррали пойгумбаз ўрнатилган равоқли бағални кўтариб туради.

Мақбараларнинг шарқ тарафдаги бош тарзи ҳовлига қаратиб қурилган ва бир хилда безатилган. Ҳар бир тарх тўғри бурчакли ҳошияга олинган учта юза равоқли тахмон билан безатилган. Равоқнинг ўймақори унсурлар билан безатилган заваррави тўртдан уч қисми чиқиб турган устунга таянган. Устунлар жуда ўзига хос пойустунга ўрнатилган, тарз қисмида пойустунлар бурчакларини кесиш ҳисобига улар қобирғаси билан қўйилган кубга ўхшаб қоларди. Ромб кўринишидаги пойустун сингари нодир усулдан, аввалги саҳифаларда қайд этилганидек, XV аср бошида Ҳаким ат-Термизий мажмуидаги хонақо ичини безашда ҳам фойдаланилган. Фақат Термизда учратилган бу усул шаҳар меъморчилигининг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Равоқ тахмоннинг юқори деворида ғишт пойигача арчасимон қилиб терилган. «П»-симон ҳошиялар эса тик чокида нақшинкор унсурлар билан жуфт-жуфт терилган.

Томонлари 10 метрга яқин бўлган шимолий мақбаранинг ичи жанубий мақбараникига нисбатан гўзалроқ безатилган. Бу ерда тўрт томон девори ҳам тўрт бурчакли намоён ичидаги учта учли равоқли токча билан бир хилда безатилган. Равоқларнинг тепа ва паст томонлари нақшинкор ромблар, халқалар ва бошқа унсурлар билан безатилган, тўртдан уч қисми кўриниб турган цилиндрсимон устунга таяниб туради.

Бағалнинг нимчархигумбаз шаклидаги бўшлиғи, токчалар тепасидаги равоқ пойигача бўлган девор, саккиз қиррали пойгумбаз бурчаклари устидаги

гумбаз остига жойлашган равоқ тоқчалари ғишти арчасимон усулда терилган бўлиб, одатий ёки жуфт-жуфт усулда қаланган девор фониде ажралиб турарди.

Томонлари 9 метрдан бўлган жанубий мақбарада қалинлашган ғарбий деворига ёпиштириб қурилган ҳамда у билан ёндош айвон томига олиб чиқувчи зинапоя мавжуд.

XV асрлар чегарасида айвон пештоқи кўп рангли сиркор кошин билан безатилган (ҳозир бу безак йўқ). Бу майолика ҳошия ҳамда жимжимадор араб ёзуви ва ислимий нақш, шарафани тўлдирувчи, “кўк фондаги замонавийлаштирилган ислимий мавзудаги” олти қиррали майолика тахтачалар билан безатилган «П»-симон рамкалардан иборат эди³³. Мақбараларнинг шарқий тарҳларига қўшимча равишда томонлари 6х6 метрли биттадан бир ҳадли мақбара қурилди. Кейинчалик чўзиқ ҳовли томонлари бўйлаб янги иморатлар барпо этилгани ҳолда мажмуа мужассамоти ғарб-шарқ йўналишида узунлашиб борди. Қадимги бинолар гуруҳида жамланган ғоя уларнинг барчасида турли вариантларда такрорлангани, яъни ўртасида равон айвон бўлган уч қисмли иморат тарҳ бўйлаб олд томони билан узайтириб борилган. XVI-XVII асрларда шимол ва жануб томонлардан турли даврларда ва турли катта-кичикликда қуриб келинган мақбаралар гуруҳи шулардан иборат. Шарқ томонда ҳовли сақланиб қолмаган пештоқ билан тугалланган.

Шундай қилиб, бу ерда ажойиб яхлит ансамбль вужудга келди, турли даврларда қурилган, мужассамотига кўра бу турдаги (уч қисмли) ва беазага кўра бир хил (ғишдан иборат) бинолар гуруҳи орасида мақбараларнинг қадимги гуруҳи монументаллиги ва беазаги билан ажралиб турарди. Айни

³³ Пугаченкова Г. А Термез... С. 36

маҳалда ички ҳовли ўқларида бир-бирига рўбарў пештоқлар қуриш усулига зўр берилгани кузатилади.

Термиздан шимоли-шарқда жойлашган Солиҳобод қишлоғидаги В.А.Нильсен томонидан тадқиқ этилган хом ғиштдан кўтарилган гумбазли уйлар ҳамда Хожа Мулки қишлоғидаги мадраса яқинидаги бино ҳам диққатни тортади Солиҳободда гумбазли икки-уч хонадан иборат олд тарафи кенг уйлар усти кўпинча гумбазли ва балхи гумбазли бўлган. Бу уйлар пахса девор билан ўраб олинган анча катта чорбоғ ичкарасида жойлашган. Уларнинг баъзилари, шу жумладан Хожа Мулки қишлоғидаги мадраса мударрисининг уйи ҳам, Султон Саодат мажмуининг кўхна иморатлари мужассамотини такрорлаган ҳолда, ўртасида устунли айвони билан икки залдан иборат гумбазли қилиб қурилган. Хоналарда рўзғор буюмларини териб қўйиш учун токчалар бўлган. Гумбазли уйлар иссиққа чидамли, ичкараси анча баланд ва кенг бўлган. Бу иморатларнинг йўналиши ҳам салқинликни сақлашда ёрдам берган. Улар участканинг жанубига қурилган ва шимолга, соя тушадиган ҳамда салқин шамол эсадиган тарафга қараган. В.А.Нильсеннинг тахминича, бу уйлар ё бадавлат одамларники, ёки ўша пайтда Солиҳободда яшаган Термиз саййидлари сингари руҳонийларники бўлган.

Археологларнинг сўнгги маълумотларига қараганда, нодир Қирққиз биносини ҳам турар жой бинолари жумласига киритиш мумкинга ўхшайди. Тадқиқотчилар эътиборини анчадан буён тортиб келган бинони сарой, ибодатхона, карвонсарой, хонақо ёки IX-X асрларга оид шаҳар ташқарисидаги саройчорбоғ дегувчилар ҳам бўлди. Қирққиз кўхна Термиз шаҳристонида 3 километр масофада жойлашган, маҳаллий анъанага мувофиқ машҳур “Қирққиз” халқ достони билан боғлиқ қалъа бўлиб, подшоҳ Гулойим ва унинг қирқ дугонаси шу қалъа девори ортида туриб, кўчманчилар ҳужумини мардона қайтаришган. Қирққиз биноси тўғри тўрт бурчак

шаклида (ҳар бир томони 54 метрга яқин) дунёнинг тўрт томонига қаратиб марказга йўналтирилган мужассамотда хом ғиштдап қурилган. Бино бурчакларида ости бироз кенг, ичи ғовак бақувват буржлар жойлашган. Текис деворнинг ҳар тарафидан ичкари кириладиган равоқли йўл ва бир неча дераза ўрни очилган. Бино ўқи бўйлаб жойлашган, бир-бири билан кесишиб ўтадиган икки йўлак уни тенг тўрт қисмга ажратади. Иморат марказида тўғри тўрт бурчак (11,5x11,5м) ҳовли бўлган. Баъзи олимлар ҳовли усти гумбаз билан ёпилган, дейишса, бошқалари усти очик бўлган, деган фикрдадирлар. Бинонинг шимолга қараган икки қисмининг тарҳи бир хил. Бу ерда ҳар бир қисмда 5 тадан хона бўлиб, улардан шу хоналар гуруҳини уч томонидан ўраб олган «П» - симон йўлакка чиқилади. Иншоотнинг жануби-ғарбга қараган қисми ҳам тарҳи бўйича юқоридаги қисмлар кабидир. Бинонинг жануби-шарқий қисмида уч устунли энг катта хона бўлиб, уни меҳмонхона деб ҳисоблашади. Бино устининг ёпилиши, шунингдек деворда қолдирилган тахмон, дераза ва эшик ўринларининг хилма-хиллиги унинг архитектурасига алоҳида мазмун бахш этади. Масалан, шимолий қисмдаги йўлак ва хоналар усти равоқли қубба билан ёпилган, бошқа хоналар чортоқ, хочсимон, балхи, чархи ва бошқача тарзда ёпилган. Бинонинг жанубий қисмидаги катта хоналарда кўтариб турувчи параллел равоқлардан кенг фойдаланилган. Бу усул XIV-XV асрлардан бошлаб Ўрта Осиёда жуда кенг қўлланган.

Бу ерда иншоот архитектуранинг ифодалилигини ошириш учун тахмон ва дераза ўрни кўпинча учтадан қўйилган. Бунда понасимон равоқдан, ғиштни осилтириб ёки дандана қилиб теришдан фойдаланилган. Бу ерда, шунингдек, уч бурчак, лўлазинали, тухумсимон ва учли равоқлар ҳам учрайди³⁴. Қурилишда тўғри тўрт бурчак (30x30x5-5,5 смли) хом ғишт ишлатилган. Баъзи жойларга пишиқ ғишт терилган, орасига тахта пона қўйилган. Ташқи деворлар қалинлиги 2-2,5 метр. Иморатнинг марказий

³⁴ Термиз (рангли безакли албом) Тошкент “Шарқ”. 2001

қисмига қараган деворлар юзига ва қисман марказий йўлга ётиқ қилиб бир қатор пишиқ ғишт терилган. Пишиқ ғиштнинг катта-кичиклиги иморатга қурилишда ишлатилган хом ғиштники каби бўлган.³⁵ Сўнгги археологик маълумотларга қараганда, Қирққиз биноси XIV-XV асрларга оиддир. Бизнинг фикримизча, унинг архитектураси шаҳар ташқарисидаги чорбоғ ёки хонақо деган таърифларга зид эмас, ташландиқ ҳолга келгач, ундан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилган бўлиши мумкин.

Араб фатҳидан сўнг мусулмон диний биолари масжид, мадраса, мақбара ва хонақоларнинг роли ошиб борди. Термиз равнақ топган XI-XII ва XV-XVI асрларда улар бу ерда жадал бунёд этилди.

Масжидларнинг уч асосий типини ажратиш мумкин. Булар: маҳалла масжидлари, жомеъ масжидлар ва намозгоҳ (ийдгоҳ, мусалло) масжидлар.

Жомеъ масжидлар икки хил бўлган. Биринчи хили ўртасида чор атрофи устунли айвон билан ўралган ҳовлили катта бино. У ривожланган ўрта асрлардан бошлаб Марказий Осиё жомеъ масжидларнинг классик намунаси бўлган. Жомеъ масжиднинг иккинчи хили кўп устунли, чор томондан ўралган кенг болор бўлиб, томи бир неча гумбаз ёки вассажуфт билан ёпилган. Бу хил жомеъ масжидлар унча кенг ёйилмаган, айрим намуналар орқалигина бизга маълум.

Сурхондарёдаги дастлабки кўп устунли масжидлардан бири Термиз яқинидаги Сополлитепа масжиди бўлиб, XI асрга оиддир. Бинода кўп устунли болор бўлиб, 43x25 метр ўлчамли тухумсимон чўзиқ майдонни банд этганди. Бу ерда пишиқ ғишздан қилинган 50 дан зиёд пойустун аниқ-

³⁵ Чориев З. Аннаев Т. Муртазов Б. Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат –Термизий. Тошкент. 2008. Б. 15-19

ланган. Уларнинг кесими квадрат (90 x 90 см) бўлиб, ҳар уч метрга мунтазам қўйилган.

Чағониёнда бозор ўртасида устунлари пишиқ ғишдан қурилган равоқсиз (вассажуфт билан текис ёпилган бўлса керак) “гўзал” масжид ҳам, манбалар (Истаҳрий ва ал-Мақдисий) га кўра, шунақа мужассамотга эга бўлганга ўхшайди.

Чорсутун масжиди (X аср) муайян даврларда жомеъ ва баъзида намозгоҳ масжид вазифасини бажарган кўринади.

Бу масжид тарҳи мураббаъ (тахминан 10 x10 метр), ҳовли бурчагида жойлашган, бостирма сифатидаги устун-гумбазли иншоот бўлган³⁶. Ғарб ва жануб томондан у хом ғишдан кўтарилган девор билан бутунлай тўсилган, шимол ва шарқ томондан эса равоқ айвон орқали ҳовлига қараган. Болор ичида пишиқ ғишдан терилган диаметри бир метрли тўққизта устун бўлиб, пишиқ ғишдан қилинган тўққиз гумбазли томни кўтариб турарди. XI асрда масжиднинг бошқа бурчагида пишиқ ғишдан минора тикланиб, унга 1032 йил санаси ёзилган, шунингдек масжид таъмирланган. Хом ғишт терилган саҳн, девор, шу жумладан меҳроб ҳам пишиқ ғишт билан қопланган. Жануби-ғарбий девор марказида жойлашган меҳроб тақасимон тахмондан иборат бўлиб, шу ерга яқин жойлашган, хом ғишдан қилинган Қўрғон кўшки сингари кунгура билан безатилган.

Катта масжид кейинроқ қурилган масжидлар сирасига киради. У XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Термиз яқинидаги Ўртаовул қишлоғида жойлашган. Бу тарҳи мураббаъ (ҳар бир томони 14 метрдан) бўлган хочсимон гумбазли зали ҳамда бурчакларида гумбазли тўртта хонаси бўлган, хом ғишдан терилган иншоотдир. Марказий болорнинг усти поғонали чархи гумбаз билан

³⁶ Шишкин.В.А “Курган” и мечеть . Чор-сутун в развалинах старого Термеза, \\\ Труды АН Серия I ТАКЭ. Тошкент. 1945. С. 100

ёпилган. Марказий ўтиш йўллари нимбалхи гумбаз, бурчаклардаги хоналар балхи гумбаз билан ёпилган. Масжид залига меҳроб жойлашган ғарбий девордан ташқари барча томондан кирилади. Масжид ичи чархи гумбаз ва балхи гумбаз тепасидан очилган туйнуклар орқали ёритилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, масжидларнинг кенг тарқалган тўртинчи тури қадамжолар, мақбаралар ёнидаги масжидлар эди.

Азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлашда хизмат қилган миноралар жомеъ масжидларнинг ажралмас қисми бўлган. Ўрта Осиёдаги дастлабки миноралар сақланиб қолмаган, бироқ улар хом ғиштдан қурилиб, кейинчалик айримлари пишиқ ғишт билан қоплангани маълум. XI асрдан бошлаб минораларнинг кўпи буткул пишиқ ғиштдан ишланиб, бир неча горизонтал белбоғларига эпиграфик безак берилган. Миноранинг юзасига ғишт нақшинкор терилган, нақшли муқарнасдан бўртма гулли горизонтал белбоғ қилинган. Бу унсурлар ҳозир сақланиб қолмаган жомеъ масжидларнинг бир қисми бўлган. Бузилмай қолган айрим миноралар (масалан, Бухорода Калон минораси, Вобкент ва Жарқўрғондаги миноралар) ҳозир ҳам Ўрта Осиёнинг қатор минтақаларида алоҳида ҳолда кўкка бўй чўзиб турибди.

Термиздаги Чорсутун масжиди ёнидаги унча катта бўлмаган, ҳозир бузилиб кетган минора шундайлардан эди. XX асрнинг дастлабки ўттиз йилида ҳам ушбу масжид харобалари узра кўкка интилиб турган бу минора Ўрта Осиёдаги пишиқ ғиштдан ишланган қадимги миноралардан бири бўлган. Баландлиги 13 метр ва диаметри 3 метр бўлган цилиндрсимон танаси саккиз қиррали пойдеворда турган. Бу - Ўрта Осиёдаги ягона цилиндрсимон минора, чунки қолган барча миноралар конуссимон бўлиб, юқорига қараб бироз ингичкалашиб боради. Бу минорада айланма зина бўлиб, муаззин туришига мўлжалланган майдонча — қафасага олиб чиққан. Бу майдонча

даставвал тахминан 16 - 18 метр баландликда бўлган. Танасининг ғиштин юзаси бўртма эпиграфик безакдан иборат бўлган тўртта белбоғ билан безатилган. Белбоғлар ғишт жуфт-жуфт терилган миноранинг юзасида ажралиб кўриниб туради. Бу монументал хаттотликнинг илк вариантлари бўлиб, тарошланган ғиштлардан терилган куфий лавҳалар содда ва бирмунча хандасавий хусусиятга эга эди. Минора белбоғларидан бирида у бунёд этилган сана ҳижрий 423 йилни ўқишга муваффақ бўлинди (бу милодий 1032 йилга мувофиқ келади).

Ўрта Осиёдаги қиррали ягона минора — Жарқўрғон минораси. У ўрта асрлардаги Чарманган қишлоғи ҳудудида меъмор Али ибн Муҳаммад Сарахсий томонидан 1109 йилда қурилган. Бир маҳаллар икки ошиёнали бўлган бу миноранинг қуйи ошиёнаси ҳозир ҳам яхши сақланиб қолган. Унинг танаси бир-бирига туташган яримдоира тарзидаги 16 қирра билан безатилган. Маҳорат билан арчасимон терилган қирралар қуйида бир-биридан бир мунча қочиб, юқорига кўтарилган сайин бир-бирига яқинлашиб боради. 20 метр баландликда улар горизонтал эпиграфик белбоғ билан туташган. Бу ерда қуръоний лавҳ тугамаган, бинобарин, минора танасининг сақланиб қолмаган қисмида эпиграфик нақшли яна бир белбоғ бўлган. Миноранинг 21,6 метрли қисми сақланиб қолган. Қуйи диаметри 5,4 метр, юқориси - 4,1 метр. Минора ғишти ғоят пухталиқ билан нақшинкор терилгани ва умуман унинг нафис бадиий қиёфаси кишини хайратга солади. Жарқўрғон минораси меъморий-бадиий ечимига кўра Шимолий Ҳиндистон ва Хуросон минораларига яқин туради.

Шарқда бу типдаги бино даставвал Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида тилга олинган. Унда Бухородаги 937 йилда ёниб кетган Фаржак мадрасаси ҳақида гап боради³⁷. Улуғбек томонидан Бухоро, Самарқанд ва

³⁷ Наршахий. Абу Бакр Муҳаммад. Бухоро тарихи. Тошкент. 1990, Б.47-48

Ғиждувонда барпо этилган учта мадраса Ўрта Осиёда сақланиб қолган кўплаб мадрасалардан энг қадимийларидир. Термизда мавжуд бўлган мадрасаларнинг илк классик намуналари, афсуски, сақланиб қолмаган, шу боис улар ҳақида бирон-бир маълумотга эга эмасмиз. Бирок Деновдаги XVI-XVII асрларга оид Саид Оталиқ мадрасаси архитектурасига қараб Термизда классик мадраса бунёд этиш анъаналари ҳақида ҳукм юритиш мумкин. Пишиқ ғиштдан кўтарилган бу монументал иншоот ўша даврда етакчи бўлган Бухоро меъморлик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида бунёд этилган. Тарҳи тўғри бурчакли, икки ошёнали бу бинода чор атрофи хужралар ҳамда ўқларида тўртта устунли айвон билан қуршалган ҳовли бўлган. Бу ерда нодир ва асосан Бухоро мадрасаларига хос усул қўлланган - бино ён тарафларидан ташқарига қараган равоқли пешайвонлар қўйилган. Термиз яқинида 1955 йилда В.А. Нильсен томонидан тадқиқ этилган, хом ғиштдан содда қурилган икки мадраса XVIII-XIX асрларга оиддир. Уларда анча кенг, баъзан ўртасида ҳовуз бўлган ҳовли атрофида (унинг чор атрофини тўла банд этмаган ҳолда) тарҳи мураббаъга яқин бўлган, усти 42X64 балхи усулида ёпилган хужралар жойлашган. Ҳовлининг ғарбида эса тарҳи ёйилган, уч қисмдан иборат масжид бўлган. Тарҳига кўра бу хонақо - масжид ва мадраса хужраларидан иборат суфийлар мажмуи бўлган. Бундай мажмуалар XVII-XIX асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Масалан, Бухородаги нисбатан монументал конструкция бўйича қурилган халифа Ниёзқул ва халифа Худойдод хонақо мажмуалари шу кабидир.

Сурхондарёнинг сўл соҳилидаги Хожа Мулки қишлоғидаги мадрасали бир қаватли катта мажмуа анча йирик бўлсада, меъморий жиҳатдан соддароқдир. Ўртасида ҳовузи бўлган соясалқин чорси ҳовли чор атрофида қирққа яқин хужра бор. Ҳовлининг жануби-ғарбий бурчагида учта кенг-катта хужра бўлиб, афтидан, дарсхона болори бўлган. Ҳовлининг ғарб томонида хом ғиштдан кўтарилган, шифти вассажуфтли бир ҳадли масжид ва хом

ғиштдан минбар бўлган. Томонлари 3,5 метрли, балхи гумбаз билан ёпилган хужралар деворида учли равоқли токчалар бўлиб, уларга китоб тахланган ва рўзғор буюмлари териб қўйилган. Шунингдек, кўпчилик хужраларда кираверишда ўнг бурчакда ўчоқ бўлган.

Термиздан шимоли-шарқда жойлашган Солихобод қишлоғидаги мадраса (ҳозир йўқ бўлиб кетган) юқорида тилга олинган мадрасадан чоғроқ бўлган, бироқ анча пухта ишланган ва қатор безаклари бўлган. Мадраса ҳовлисига икки томонида гулдаста минора бўлган дарвозахона орқали кирилган. Хужраларда китоб ва рўзғор буюмларини қўйиш учун учли равоқли токчалар, шунингдек шимолий бурчакда деворнинг ташқарисида мўркони бўлган ярим доира токчасимон ўчоқ бўлган. Ғарб томонда олди ҳовлига қараган уч гумбазли масжид жойлашган. Унинг марказий қисми ён қисмлари билан равоқ орқали бирлашган, натижада масжиднинг узун зали яхлит бўлиб қолган. Марказий қисм усти, афтидан, тепасида ёруғлик кирадиган туйнук бўлган думалоқ гумбаз билан, ён қисмлари эса балхи гумбазлар билан ёпилган.

Зал ғарбий деворининг марказида ўймақори ганч билан безатилган беш қиррали меҳроб тахмони бўлган. Чизмага кўра, масжиднинг олд томонида тўрт равоқ бўлган учтасидан масжидга кирилган. Уларнинг орасидагилар эса деворий токча бўлган. Уч гумбазли бино олд томонининг бешта равоқ, билан мустаҳкамланиши Шеробод яқинидаги уч гумбазли Хожа Исо мақбарасининг шу каби, бироқ олти равоқли тарзига ўхшарди. Мадрасанинг жануби-ғарбий бурчагида ёғоч устунли айвон жойлашган, унинг девори ва меҳроб тахмони оддий ганч гириҳ билаи безатилган.

Мақбаралар. Ўрта Осиёдаги минтақалардан фарқли равишда, Сурхондарё меъморлик мактабига мақбараларни нисбатан сиполик билан безаш хос бўлган. Уларнинг баъзилари мусулмон авлиёлар қабрлари устида

барпо этилган. Мақбаралар қадамжо бўлиб хизмат қилган. Вақт ўтиши билан улар атрофида ёдгорлик зиёратгоҳ мажмуи вужудга келган. Зулкифл, ат-Термизий ва Султон Саодат мажмуалари шундайлардандир.

Термиз воҳасида улар билан бир қаторда XI асрларга оид бир хадли гумбазли мақбаралар ҳам учрайди. Хом ғиштдан кўтарилган бу мақбаралар озгина ўзгарган ҳолда ёки қисман сақланиб қолган. Термиз туманидаги XI-XII асрларга оид Тўртауз гумбаз мақбараси шулар жумласидан. Аввалги тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу тарҳи мураббаъ (зал ўлчами 7,20x7,20 м), ҳар бир тарзи марказида равоқ бўлган пештоқ гумбазли бир хадли мақбара бўлган. Жануб тарафдаги бош тарҳни чуқур равоқли тахмони бўлган пештоқ безаб турган. Икки томонга нишаб қилиб ишланган деворлар (равоқ тахмонининг вертикал ён деворлари) марказида ихчам учли равоқли токчалар жойлашган. Гумбаз бурчаклари бўғотли уч қатор муқарнас бўлган равоқли бағал устидаги саккиз қиррали пойгумбазда турган.

Зулкифл мақбараси жойлашган бинони ҳам мураккаб таркибли мақбаралар сирасига киритиш мумкин. Мураккаб номутаносиб тарҳли тўрт хадли бу бино турли даврларда қурилган гумбазли хоналардан иборат. Улар 1977 йилда З.А. Аршавская ва Э.В. Ртвеладзе томонидан батафсил текширилган мақбара Эски Термиз харобалари қаршисида, Амударё ўртасида жойлашган Пайғамбароролда қурилган. Мажмуа гумбазли катта масжид биносидан иборат. Жануб томондан унга катта сағанали гўрхона туташган, гўрхонага эса ғарб томондан унча катта бўлмаган (3x3 метрли) иккита хона — миёнсарой ва зиёратхона ёндошган. Бу ерда тарҳи мураббаъ (томонлари 7 метрга яқин) бўлган улкан пештоқ - гумбазли масжид ҳажмдор ва баланд ҳамда анча илгари қурилган асосий иморат бўлган. Чортоқ саккиз қиррали пойгумбаз остидаги равоқли бағал ҳамда икки қатор ғиштчалар чиқиб турган чарҳи гумбазни кўтариб турган.

Шимолий ва ғарбий тарҳ деворларига учта равоқ ишланган. Бу Сурхондарёда деворни ташқаридан безашда суюкли усул эди (Султон Саодат, Хожа Исо, Ўйиқгумбаз мақбаралари).

Бош шарқий йўл тирсакли жанубий йўл орқали гўрхонага олиб кирган. Гўрхона даставвал, афтидан, хазина бўлганга ўхшайди. Кейинчалик жанубий йўл беркитиб ташланган, натижада масжид гўрхонадан ажралиб қолган. Гўрхонага жануб томондан зиёратхона ва даҳлиз орқали кирилган. Зиёратхона ва даҳлиз ичини безашда ўхшаш безакли конструктив усулдан фойдаланилган, яъни бағаллар торайиб борувчи, бағал бўшлиғидаги зинасимон ўйиқли икки равоқ тарзида ишланган. Масжид безагида ғишт чоргул ва арча қилиб терилган.

Бу ерда XV-XVI асрларда ҳамда XIX аср бошида бироз таъмирлаш ишлари олиб борилган. Масжид ичида девор юзаси икки қатлам ганчсувоқ қилинган, меҳробга юза нақш ўйилган, намоёнга эса мураккаб бўлмаган гирих нақш туширилган .

Тадқиқотчилар XVI асрга оид хонақо мақбара деб ҳисоблайдиган Кокилдор ота бинноси архитектурасига кўра жуда қизиқарли ва тарҳига кўра ғаройибдир. Фикримизча, бу ерга дафн этилган авлиё исми унинг ҳаётида муайян воқеа содир бўлмагунича кесмасликка қасам ичган айрим диндорларнинг кокилини кесиш маросими билан боғлиқлигидан далолат беради.

Бу ғишт деворли, бутун тарҳи билан олдинга қаратиб қурилган, пештоқ гумбазли кўп ҳадли иншоот. Бу ерда ҳам, Султон Саодат мажмуи биноларидаги каби, олд томони узун уч қисмли ғоя такрорланган. Унинг тарҳи мужассамоти бўйича мутаносиб: марказий ўқда асосий кириш жойини ўз ичига олувчи айвон ҳамда гумбазли катта зал жойлашган уларнинг ён томонларида, кўзгуда акс этгандек, иккитадан бир хилда хона бўлиб, улар ўртасидан раҳрав (йўлак) ўтади. Шундай қилиб, пештоқли айвондан тўғри

марказий залга, ён томонлардаги кириш йўлидан эса у билан туташ ён хоналарга ва раҳравларга ўтилади. Бино ичида кўпбурчаклардан иборат мураккаб тўр устига ўрнатилган, ганчдан қуйилган безак куббалар, калқонсимон бағал ва муқарнаслар диққатга сазовор.

Бинонинг монументал пештоқини баланд кўтарилган учли равоқ кесиб ўтади. Бу XVI асрдаги Мовароуннаҳр меъморлигидан кўра XV аср, яъни Темурийлар даври меъморлигига кўпроқ хос бўлганди. Зал ичида бир қанча сағана бўлиб, улардан энг каттаси Кокилдор отаникидир. Ушбу бинонинг архитектураси ва вазифасидан келиб чиқиб (агар у чиндан ҳам хонақомақбара бўлса), у XV асрда, Темурийлар даврида, Термизда Ҳаким ат-Термизий ва Султон Саодат мажмуаларидаги монументал иншоотлар қурилган ёки қўшимча равишда безатилган даврда бунёд этилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Кокилдор ота биноси Ўрта Осиёдаги камдан-кам учрайдиган, олд томони ёйилган хонақолардан, шунингдек Термиздаги муҳим обидалардан бири эканлигини таъкидлаш зарур³⁸.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Сурхондарё ва, жумладан, Термиз архитектураси ўрта асрлардаги Ўрта Осиё меъморлигида алоҳида ўрин тутган.

Термиздаги обидалар гуруҳидан иборат, Сурхондарё меъморлик мактаби географик жиҳатдан яқинлиги ҳамда тарихан умумий жиҳатлари кўп бўлгани туфайли унда қўшни Хуросон архитектураси таъсири сезиларли. Ҳар икки минтақада сермазмун шаклларга, ғишти одми ёки нақшинкор терилган девор фонида ажралиб турувчи бир маромдаги бўртма безакка интилиш кузатилади.

³⁸ Аннаев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент. 1997

Султон Саодат мажмуидаги илк мақбаралардан бошлаб, кейинги асрларда уларга тақлидан олд томони кенг ёйилган уч қисмли қадамжолар (Султон Саодатдаги XV-XVII асрларга оид биноларнинг бир қанча гуруҳлари, XVI асрдаги Кокилдор ота хонақоҳи, Солиҳобод қишлоғидаги Мадраса масжиди) қурилди ва, ҳатто, Термиз тумани айрим қишлоқларидаги хом ғиштдан қилинган турар жойлар ҳам (Солиҳобод қишлоғидаги бир неча уй, Хожа Мулки қишлоғидаги мударрис уйи) ўртасидаги айвон орқали бирлашган гумбазли икки хонадан иборат қилиб қурилганди. Термиздаги иморатларда бош тарҳни ва, баъзан, ички деворни “П” - симон ҳошия ичига олинган юза равоқли токчалар билан бўлиш суюкли безак усули бўлганди. Чунончи, XI-XII асрларда Султон Саодат мажмуи мақбаралари тарҳини ва ундаги шимолий мақбара ичини Зулқифл мақбараси тарҳини ҳамда Ўйиқгумбаз мақбараси бош тарҳини уч равоқли токча беаган, Хожа Исо ота мақбараси тарҳини олти равоқ, Солиҳобод қишлоғидаги XVIII-XIX асрларга оид масжид ва Мадраса тарзини бешта равоқ беаб турган.

Хом ғиштдан қурилган иморатларда ҳам, пишиқ ғишт билан кўтарилган иморатларда ҳам бошқа бир усулдан фойдаланилган ичкарида бағалнинг ярим думалоқ бўшлиғида ғишт арчасимон қилиб терилган, натижада у ғишт жуфт - жуфт қилиб ёки оддий усулда терилган девордан кўримлилиги билан ажралиб турган (Султон Саодат, Отаулло эшон мақбаралари).

Ниҳоят, юза равоқ токчаларининг кўриниб турган тўртдан уч қисмли устунларини кўтариб турган пойустунларнинг жуда ўзига хос тарзда ишлангани эътиборни тортади. Тарҳ қисмдаги призмасимон пойустун бурчакларининг кесилиши қобирғаси билан қўйилган кубдек тасаввур берарди. Бундай “ромбсимон” пойустун Султон Саодат мажмуидаги XI асрга оид мақбараларда, шунингдек XV аср бошида Ҳаким ат-Термизий мажмуи хонақосининг ички беагида қўлланилган.

Термиздаги хом ғиштдан усталик билан бунёд этилган иншоотлар жуда қизиқарли ва гўзалдир. Уларнинг энг яхшиси Қирққиз бўлиб, у гўёки Ўрта Осиёдаги тоқу равоқли конструкциялар энциклопедиясидир. XVIII-қXIX асрларда хом ғиштдан қурилган, кўпинча усти балхи гумбаз билан ёпилган иморатларда ҳам илк классик иншоотларнинг мужассамот, конструктив ва безак усуллари ворисийлик тарзида давом эттирилган.

Шундай қилиб, Термиз воҳаси архитектурасининг мазкур минтақавий хусусиятлари бу ерда ислом даврида жуда ўзига хос маҳаллий мактаб вужудга келганлигидан, бир бор танланган самарали ечимдан кейинги даврлар биноларида турлича талқинда фойдаланилганидан далолат беради. Бу кўҳна шаҳарда сақланиб қолган меъморий осори атиқалар Султон Саодат мажмуидаги илк мақбаралар, Қирққиз биноси, шунингдек Термизшоҳлар саройининг ҳамда Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ганчкори нақш беаги ўрта асрлардаги Термиз меъморлари ва усталарининг юксак санъатидан гувоҳлик беради.

2.2. Термизшоҳлар саройи

Термизшоҳлар саройи XI асрда қурилган "баланд деворлар билан ўралган катта иншоот бўлган. Сарой жамланмаси катта ҳудуд (7 гектар) ни ишғол этиб, тўртбурчак тарҳда қурилган. Саройнинг бош фасадида йирик пештоқли эшик тўртбурчакли ҳовлига олиб киради. Иморатлар билан ўралган кенг ҳовли ўртасида, сопол қувурлар сув билан таъминлаб турувчи 8,5x8,5 метрли ҳовуз, меҳмонхона (дахлизли катта зал) олдида 4 та квадрат, устунли айвон бўлган. Бир эшик қаршисида пештоқ айвонли чўзинчоқ қабулхона зали бўлиб, унинг уч томонидан икки қаватли гумбазлар ўралган, олд томони очиқ бўлган. Шу томон қимматбаҳо парда билан тўсилган. Шу чўзинчоқ хона тўрида подшоҳ тахти турарди. .

Меъморчилигининг диққатга сазовор намуналаридан бўлган Термиз хукмдорларининг қароргоҳи 1925-1926 ва 1936-1937 йилларда казиб ўрганилган пайтда ганч панжара, тагдор ойна, ганчга бўяб ишланган тасвир колдиқлари, жумладан кўш отлиқ тасвири туширилган ва гул безаклари бўлган шиша медальон топилди. Балки шу топилма подшоҳ пешонасига кадаладиган медальон бўлиши ҳам мумкин. Қазилма даврида сарой бир неча марта таъмир этилганлиги аниқланди. Ҳазналик Султон Абдул Музаффар Баҳромшоҳ томонидан янги безаклар билан саройнинг қабул зали эса. Ганч ўймакорлиги билан безатилган, унга уч қаватли кесма безак берилган, деворларига афсонавий махлуқларнинг тасвирлари ишланган.

Бу ерда гириҳ билан услублаштирилган ислимий мотивлар бир-бирини тўлдиради. Ислимий нақшда ҳам новда ва япроқлар эгри чизикли ҳандасавий чизмага бўйсундирилган. Иншоот тарихи (исмлар, саналар) ёки Қуръон оятлари билан боғлиқ битиклардан иборат китоба ҳам муҳим роль ўйнайди. Уларнинг бари нақшнинг ҳандасалаштирилган умумий тақсимотига бўйсунди.

Термизшоҳлар саройида бир-бирига қараб бораётган ёки орқа оёқларида турган, боши кўшилиб кетган икки арслоннинг геральдик образлари, шунингдек, (парчалари топилган) қандайдир қанотли махлуқлар эътиборни тортади. IX - XII асрлар меъморлигида биноларнинг ўзига хос типологияси ишлаб чиқилган. Уй-жой қурилишида бу турар жойлар (уй, сарой ва кўшк), жамоат иншоотларида эса карвонсарой, ҳаммом, савдо-сотик билан боғлиқ бинолар. Исломи меъморлигига хос ибодат бинолари масжид, Мадраса ва хонақоларнинг янги типлари архитектурасига кўра монументалроқ ва ифодалироқ эди. Ўрта асрларга оид кўплаб монументал бинолар карвонсаройлар, жомеъ масжидлар, мадрасалар ҳамда қатор саройлар ҳовлили ёки ҳовли айвонли мужассамотда қурилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳовлили деб, ичкари ҳовлининг чор атрофини қатор

хоналар хужралар ёки равоқ устунли айвон (жомеъ масжидларда) ўраб олган бинолар мужассамотига айтилади.

Тадқиқотчилар бундай мужассамот Эрон, Сурия ёки бошқа мамлакатлардан ўзлаштирилган, деб ҳисоблаб, унинг илдизини топишга кўп ҳаракат қилишган. Ҳозирги вақтда, илк темир даврида Сурхондарёдаги ҳовлини иншоотлар, хусусан мил. авв. VI - IV асрлардаги “Қизилча” типидagi чорбоғлар тузилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда бу мужассамот ўз илдизига эга бўлган ҳамда анча аввалги маҳаллий анъаналар асосида шу ерда юзага келган, деб тахмин қилиш мумкин. Антик давр милоддан аввалги IV аср - милодий IV аср ҳамда илк ўрта асрлар (V-VIII асрлар) мобайнида бу структуранинг ривожланиши ҳовли-айвонли схема пайдо бўлишига олиб келди. Бу схема бўйича ҳовли чор атрофига хоналар ёки айвон, ўқлари бўйича эса устунли айвон қурилган. Ўрта Осиё мусулмон меъморлигида ҳовли айвонли мужассамот ўзининг хилма-хил вазифаси ҳамда маҳаллий иқлим шароитига жуда мослашганлиги туфайли йирик монументал уй-жой (сарой), ибодат (мадраса ва жомеъ масжид) бинолари, шунингдек савдо-меҳмонхона иморатлари (карвонсаройлар ва работлар) учун анъанавий бўлиб қолди.

IX-XII, айниқса, XV-XVI асрларда ҳовли-айвонли мужассамотда қурилган бинолар жадал кўпайиб борди, бунда саройлар, карвонсаройлар, работлар ва, айниқса жомеъ масжид ва мадрасалар биноларига хос функционал хусусиятлар ягона схема доирасида мужассамлаша борди.

Ислom даври Термиз архитектураси жуда ўзига хос бўлганлигини таъкидлаш керак. У бир қанча қизиқарли маҳаллий хусусиятларни ўзига жо этганди.

Термизда асосан икки даврга: IX-XII асрлар ҳамда XIV-XVI асрларга оид иншоотлар сақланиб қолган. Бу биноларнинг мужассамоти, безаги ва

умуман меъморий жиҳатлари Термизнинг Хуросонга яқинлиги ва улар тарихан муштараклиги туфайли Хуросон меъморлиги анъаналарига яқинроқдир. Бу Термиз ва унинг атрофи Ғазнавийлар, сўнг Салжуқийлар давлатига қарашли бўлган IX-XII асрларда шаҳарда қурилган биноларда айниқса сезилади. Бир томондан, Мовароуннаҳр ва унинг маданиятига тааллуқлилик ҳамда, бошқа томондан, Хуросон билан умумийлик, шунингдек кучли маҳаллий меъморий анъаналар Сурхондарёда қатор минтақавий хусусиятларга эга бўлган ўзига хос архитектура шаклланишига олиб келди.

Турар жой иморатлари анъанавий равишда гувала-синчдан кўтарилган. Саройлар, шунингдек кўшклар паҳса ва хом ғиштдан монументал конструкция бўйича барпо этилган. V-VIII асрларда бой заминдорларнинг чорбоғлари ва қасрлари кўпинча баланд, бақувват паҳсадан қурилган (Термиз яқинидаги Болаликтепада 9 метргача), чорбоғларнинг олд девори силлиқ бўлган. Баъзи ҳоллардагина кунгура билан безатилган. Кўшкларнинг бурчакларида кўпинча тўртдан уч қисми чиқиб турган думалоқ ёки тўғри бурчакли буржлар кўтарилган. Кўшкка нишаб йўлка ёки, камдан-кам ҳолларда, осма кўприк орқали кирилган. Кўшк марказида бир-икки қаватли турар жой ёки хўжалик хоналари билан ўралган болор (зал) ёхуд ҳовли бўлган. Хоналар ўртасида марказий болор ёки ҳовли бўлган тузилиш Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам шу каби иншоотларга хос бўлган. Бироқ, Сурхондарёда бошқа йўлакли тарҳ типи кам учрайди, бунда марказий ўқ йўлакнинг икки тарафи қатор хоналардан иборат бўлган.

Термиздаги бу каби объектлар жумласига ўрта асрларга оид рабоднинг шимолий қисмида жойлашган “Қўрғон” биносини киритиш мумкин. У асосан кушонлар даврига хос иморат бўлиб, IV-VI асрларда унинг ўрнида наус типидagi мазор бўлган. VI асрда бу ерда монолит асосда (25x25м) икки қаватли катта бино барпо этилган. Унинг қирралари эгри, тарҳ томондан

анъанавий кунгура новлар билан безатилган. Жанубий тарх марказида равоқли йўл бўйлама йўлакка олиб чиққан. Йўлакнинг икки тарафида бешта узун хона жойлашган. Йўлак охиридаги зинапоя иккинчи қаватга ёки иншоотнинг ясси томига олиб чиққан. Йўлак ва хоналарнинг томи чорток гумбаз билан ёпилган.

Девори ва томи мустаҳкам бу монументал бино деярли минг йил хизмат қилиб, ҳозиргача нисбатан дуруст сақланган. Афтидан, у X асрдан бошлаб XVI-XVII асрларгача яқин атрофдаги Чорсутун масжиди ва Ҳаким ат-Термизий мажмуотига келувчи зиёратчилар учун хонақо бўлиб қолган.

Ҳукмдорларнинг саройлари ҳашаматли бўлган. Хом ғиштдан бунёд этилган бундай йирик монументал иншоот марказида кўпинча чор атрофига бир-икки қаватли турар жой ва хўжалик хоналари қурилган катта ҳовли бўлган. Ҳовли ўқи бўйлаб улуғвор пештоқлар бўлган, уларнинг равоқли чуқур тахмонлари соя-салқин айвон сифатида хизмат қилган.

Масалан, Термизшоҳларнинг ганчкори нақши, турфа беаги билан машҳур XI-XII асрларга оид ажойиб саройи бу ерда улкан иншоот бўлганди. Бу тарҳи тўғри бурчакли, хом ғиштдан кўтарилган, тўрт айвонли ҳовлиси бўлган анча йирик (100x75м га яқин) иншоот эди.

Бинонинг ғарбдан шарққа томон йўналган бош бўйлама ўқида равоқли улкан пештоқ, шарқдан эса ички ҳовлига қараган, айвонли кўринишхона жойлашган. Ички ҳовли ўртасида томонлари 8,5 метрга яқин бўлган мураббаъ шаклидаги ҳовуз бўлган

Кўринишхонанинг хом ғиштдан кўтарилган девори даставвал пишиқ ғишт билан қопланган, сўнг, афтидан, XII асрда бўлса керак, унинг устидан ганч сувоқ берилиб, гирих, ислимий ва ҳайвонлар тасвирланган чуқур нақш ишланган. Археологик топилмалар асосида бинонинг олд қисми рангли

шиша ўрнатилган ганч панжара ҳамда деворлари қора, кўк, қизил ва яшил рангли расмлар билан безатилган, деган хулосага келиш мумкин. Қизиғи шундаки, Термизшоҳлар саройидаги ганчкори нақшдаги ҳайвонлар тасвири ўша даврдаги исломий меъморлик учун ноёб ҳодиса бўлган. Улар орасида иккита намоёндаги икки фантастик арслон тасвири қизиқиш уйғотади. Намоёнлардан бирини одамсимон боши умумий бўлган икки жуфтлашган арслон безаб туради. Иккинчи намоёнда геральдик мужассамотда жойлаштирилган ҳамда танаси юлдузлар ва чоргул билан безатилган қанотли икки арслон тасвирланган.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Шарқда икки танага эга дев тасвири қадимдан маълум.

Ўрта асрларда боши бир ва танаси иккита бўлган қуш ҳамда ҳайвонлар шакллари оммалашиб кетган, улардан тамға (герб) сифатида фойдаланилган. Шу боис Б.П. Деникенинг Термиздаги саройда арслонлардан геральдика белгиси сифатида фойдаланилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминини асосли деб ҳисоблаш мумкин. Г.А. Пугаченкова эса даҳшатга солувчи бу ҳайвонлар сарой кўриқчиси сифатида намоён бўлган, деб ҳисоблайди .

Термиз воҳаси хом ғиштдан барпо этилган биноларга ўзига хос даражада ғоят бой. У ердаги бир қанча қишлоқларда сўнги ўрта асрлар турар жой архитектурасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари намоён бўлди. Ўрта Осиёда хом ғиштдан кўтарилган турар жойлар усти асосан ясси ёғоч болор билан ёпилар эди. Бу Термиз минтақаси учун ҳам хос эди. Бироқ бу ерда истисно тарзида ҳозир амалдан чиқиб кетган хом ғишт билан кўтарилган гумбазли турар жойлар ҳам бўларди. 1930 йилларнинг охирида Н.М.Бачинский кўҳна Термиздаги хом ғиштдан бунёд этилган биноларни тадқиқ қилиб, уларнинг мустаҳкамлиги ва ғишт маҳорат билан терилганини

таъкидлаган эди. Шунингдек у қадимги усталар томонидан бир неча йил давомида махсус технология асосида қуйилган ва қурилган хом ғиштнинг юқори сифати ва мустаҳкамлигини кайд этиб ўтганди. Н.М.Бачинский бу ерда деворларига ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам равокли ясси тахмон ишланган, мураббаъ тарҳли, гумбазли кўплаб иншоотларни тадқиқ этиб, кайд қилган. Гумбазга оддий равокли бағаллар воситасида ўтилган. Айти маҳалда хом ғишдан кўтарилган монументал иморатларда ҳам пишиқ ғишдан барпо этилган биноларда қўлланилган конструкциядан ва кўпинча, безаш усулларида фойдаланилган.

Ва, ниҳоят, эпиграфик мотивларнинг киритилгани муҳим. Араб ёзуви Ўрта Осиё маданиятига араб фатҳидан кейин девон ишларига, китобат ишига тезда кириб келди. Сўнг ундан дарҳол меъморий безакда фойдаланила бошланди. Ҳаким ат-Термизий мақбарасида ҳамда Термизшоҳлар саройида ажойиб безатилган китобаларни кўриш мумкин. Уларда ҳандасавий куфий ва битилиши қулай насх ёзуви ёнма-ён учрайди. Китобаларда тарбиявий аҳамиятга эга сўзлар, баъзан эса Термиз ва у ерлик шахслар билан боғлиқ тарихий маълумотлар келтирилган.

Мўғуллар истилоси Термизга турли соҳаларда, шу жумладан санъат ривожига ҳам тузатиб бўлмас зиён етказди. Унинг оқибатлари заифлашгач, Темурийлар давридагина янги юксалиш сезилди. Бу XVII асрлар меъморчилиги намуналарида яққол муҳрланган. Бироқ уларнинг безакларида янгилик кўзга ташланмайди. Ҳаким ат-Термизий қабри устига XV асрда қўйилган монументал кабртош услуб бўйича янги бўлиб, пушти ранг мраммрдан тарошланган ва моҳирлик билан нақш туширилган. Қабр тошда ҳандасавий шакллар ҳамда ҳуснихат билан ёзилган битик бир-бирига қўшилиб кетган.

Ўрта асрларда Термизда мавжуд бўлган амалий санъатлар орасида сополдан ясалган уй-рўзғор буюмларини айтиб ўтиш зарур. X-XI асрларда ясалганлари айниқса диққатга сазовор. Улар орасида сирланмаган ва сиркор буюмлар бор. Сирланмаганлари орасида турли-туман шаклдаги идишлар, сиркорлари орасида эса кўпроқ коса, лаган, кўза мавжуд. Сирланмаган идишларга баъзан қолип ёрдамида нақш туширилган. Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидаги сингари, бу ерда ҳам сиркори сопол кенг тарқалган. Унда кўпроқ оқ фонда (баъзан рангли фонда ҳам) оддий нақшдан тортиб, ўсимлик ва ҳатто ҳайвонлар билан боғлиқ воқеабанд тасвирлар, масалан, қушлар, ҳайвонлар тасвири ишланган. Буюм эгасига яхши ниятлар ёки ҳатто биргина сўз битилган идишлар ҳам учрайди. Ёзув нақшларга кизил, жигарранг, қора, яшил ранг берилган. XV асрда хитой чиннисига таклидан яратилган, оқ фонга кобальтда нақш берилган керамика пайдо бўлди.

Шишасозлик такомилга етди. Термизда дераза ойналари ва шиша идиш билан бир қаторда шиша турунжларнинг диққатга лойиқ тўплами ишлаб чиқарилган. Улар Термизшоҳлар саройида олиб борилган қазил ишлари жараёнида топилган, афтидан, ҳукмдор тахтини беаган бўлса керак. Шаклан йирик ясси тахталарни шишага қиздириб босилган бўртма тасвирлар безатиб туради. Улар саккиз хил тасвир бўлиб, орасида қочиб бораётган ҳайвонга чангали билан ёпишиб олган ваҳший қуш тасвири ҳам бор. Шунингдек, ўсимлик фониде ҳайвон шакли, аёл образи, от, улар устида парвоз этаётган қушлар, йирик турунж ва думалоқ шакллар бор. От устида мағрур ўтирган қуролланган суворий образи туширилган турунжлар айниқса ифодали чиққан. Турунжлардан бирида “Мулк” сўзи битилган. Бу турунжлар ўз даври одамлари учун тушунарли, афтидан, қуч-қудрат, ҳокимият билан боғлиқ алоҳида маънога эга бўлган.

Антик ва ўрта асрлардаги Термизнинг барча даврларда бутун Ўрта Осиё минтақасида бадиий ҳолатида ва озгина миқдорда етиб келган маданият марказларидан бири бўлганидан далолат беради.

Қирққиз қалъаси ўрта аср Термизи деворидан ташқарида, унинг шимоли-шарқида Шаҳри Сомон деган жойда IX асрда қурилган. Сарой тўридаги бу қадимий йирик, феодал қўрғони катта мулк эгасининг қароргоҳи бўлган.

Бино тарҳи тўрт бурчак 54x54 метр шаклида бўлиб, ўртасида квадрат (11,5x11,5 метр) шаклидаги ҳовлиси ва унинг 50 га яқин умумий хоналари бўлган. Бинога тўрт томондан равоқ айвонли дарвозалардан кирилган. Ҳовли ўртасида ҳашаматли гумбазли айвони бўлган. Тўрт дарвозадан келган йўлаклар ана шу айвонда ҳочсимон кесишади. Шуларнинг иккитаси (шимолий-ғарбий ва шимолий шарқий қисми) тарҳи симметрик шаклда. Бинонинг қолган қисми бир-бирига ўхшамайди, улар ҳар хил шакл ва ўлчамларда, жанубий-шарқий қисмида катта тўртбурчак ҳошияси бўлган. Иморат тўрт бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бўлимида икки қаватли тўғри бурчакли хоналари ва даҳлизлари, ўртада меҳмонхонаси бўлган. Ҳар бино олдида айвон ва бурчакларида 4 га минора бинони беаган. Бинонинг умумий баландлиги бир хил. Хоналарнинг тепаси, асосан, равоқлар (гумбаз) билан, айрим хоналарнинг тепалари куббалар ёрдамида бекитилган.

Иморат, асосан, хом (30x30x54 см) ғиштдан терилган бўлиб, устидан лой сувоқ қилинган, наққошлик ва меъморчилик услубида безалган сарғиш рангли бўлган. Иморатнинг олд томон девори нақшсиз, силлиқ қилиб ишланган, Иморат моҳирона қурилиши билан гўзаллик ва ҳашамдорликка эришилган. Обида бизгача вайрона ҳолда етиб келган. Нураган иккинчи қаватининг вайроналари ҳовлини ҳам ғишт, тупроғи билан тўлдирган. Бу обидани таъмирлаш ишлари кечикаётганлигидан, унинг қолдиқлари ҳам

кулаб кетаётир. Атроф-теваракни пахта майдонига айлантириш оқибатида, шу аҳвол содир бўлди. Тарихнинг бу ёдгорлиги кслажак авлодга етиб бориши зарур.

Кокилдор ота хонақоҳи. Кокилдор ота хонақоҳи Султон Саодат мақбаралар мажмуаси яқинида, унинг ғарбида XVI асрда ўзига хос услубда қурилган иншоотдир. Қуйма ганч нақшли пештоқларининг турличалиги, шифтга солинган кўпқиррали юлдузли тасвирларнинг мажмуаси диққатни тортади. У ўзининг бирмунча чўзинчоқ тузилиши (қурилиши) билан эътиборга молик. Марказий хона, иккита ён даҳлизининг ҳар қайсиси иккитадан хонани бирлаштиради. Олд айвон гумбазлари ва ички хона деворларидаги кўп сонли, тўғри бурчакли ва бешқиррали тоқчалар устидаги куббасимон безакли гумбазлари, ярим гумбазлар уни бошқа бинолардан ажратиб туради. Кокилдор ота қурилиши жиҳатидан Султон Саодат мажмуининг кейинги, XI - XVII асрларда қурилган биноларига ўхшайди. Агар Султон Саодатнинг кейинги бнноларини яратган меъморлар уларни олдингиларига мослаштиришга уринишган бўлса, Кокилдор ота меъмори уни мустақил бино шаклида яратди. Бутун бир меъморчилик ғоясининг мужассамлиги, пештоқ энининг бўйига ва бошқа қисмларининг бир-бирига мутаноснблиги, шифтига солинган тасвирларнинг турли-туманлиги билан ҳам Кокилдор ота муҳим аҳамият касб этади. Кокилдор ота мақбара-хонақоҳи Бухоро меъморчилик мактаби услубидан фарқ қилади, лекин XVI-XVII аср Балх маҳобатли бинолари-меъморчилиги услубига яқинлашади. Бу қонуний, чунки қадимдан Тохаристон (Бақтрия)нинг (Амударёнинг) ўнг ва чап соҳиллари халқлари алоқаларининг узвийлиги, Термиз эса, дарёнинг кечув жойида бўлганлиги, кўрфаз орқали сиёсий, савдо-сотик алоқалари олиб борганлиги шундай яқииликни юзага келтирган.

Бу мақбара - хонақоҳни Кокилдор ота (Кокилли ота) қурдирганлиги хақида ривоят бор. Кўпгина адабиётларда бу ном нотўғри талаффуз қилиниши натижасида “Кокилдор ота” деб ёзиб келинмоқда.

Хулоса.

Мана, кўхна ва доимо навқирон Термиз шаҳри ҳақидаги ҳикоя ҳам поёнига етмоқда. Қадим замонлардан буён келаётган афсоналарда унинг фожеа ва ажиб тақдири садолари эшитилади. Улардан бирида шаҳарга Македониялик Александр пойдевор кўйгани ҳикоя қилинса, бошқасида шаҳар анча олдин ҳам мавжуд бўлгани, мазкур саркарда уни камал этганида Термиз аҳолиси шаҳарни шоҳ Каштасб бошчилигида мудофаа қилгани айтилади.

Минглаб йиллар давомида мавжуд бўлган шаҳар жаҳондаги кўплаб халқлар тилларида турлича номланиб келгани ҳам унинг тарихи узоқлигидан далолат беради. Айрим олимлар "Термиз" номини санскритча "Таромато" сўзи билан боғлашади, бу "дарё ортида" деган маънони билдиради. Бошқалар эса юнон-бактрия подшоси Деметрий номи билан боғлаб, у кейинчалик Дармит – Тармид - ат-Термиз ва ҳоказо шаклга ўзгарган, дейишади. Бу номларда гўё унинг бетакрор ва нодир, тақдир найранглариغا карамай, ҳали ҳам давом этиб келаётган ҳаёти инъикос этгандек.

Унинг макон ва замондаги силжишичи! Босқинчилар бу шаҳарнинг кулини кўкка неча бор совуришмасин, ҳар гал култепадан қад кўтариб, гуллаган шаҳарга айланди. "Мадинат ур рижол" ибораси зарб қилинган тангалар ҳам, битилган кўлёмалар ҳам бунинг гувоҳидир.

В.А. Лившиц ҳамда Э.В. Ртвеладзе аниқлаган ҳайратомуз далилга кўра, милоднинг I-II асрларида Термиз ҳудудида бир вақтнинг ўзида олти хил - оромий, бактриёна, кхароштхи, брахма, парфиёна ва "номаълум" деб аталадиган ёзувлар истифодада бўлган экан.

Термизда яшаб, ўлмас асарлар ёзиб қолдирган улуғ шахсларни айтмайсизми! Уларнинг фожеа ва ёрқин ҳаётларига қараб шаҳарнинг оғир

қисмати ҳақида фикр юритиш мумкин. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизийнинг асарларидан бирида унинг таржимаи ҳолига оид битилган куйидаги чизги бундан далолат беради: «Мен аввалдан ният қилиб бирон харф ҳам қоғозга туширмаганман, лекин тақдир ёзиғи билан бошимга оғир кун тушганида асарларим овунчоғим бўлган». Афтидан, кўплаб суфиёна-фалсафий асарлар ёзган ва улар орасида суфийлик ҳамда суфийлар тўғрисида дастлабки тарихий-биографик асари ҳам бўлган термизлик бу мутафаккирнинг бошига оғир кун жуда кўп тушганга ўхшайди. Шунинг учун халқ уни "Термиз ота" деб ардоқлайди ҳамда шаҳарнинг маънавий ҳомийси сифатида муқаддас санайди. Ўрта асрлар Шарқ адабиётига кирган ҳамда мармар қабртошда битилган лавҳада муҳрланган Ҳакими Термизий рутбаси эса "Термиз донишманди" маъносини билдиради. Термиз ва унинг аҳолиси минг йилдан зиёд вақт давомида ўзининг буюк юртдошини шу тариқа хотирлаб келмоқда. Имом ат-Термизий ҳам бутун жаҳонга машҳур. У олти буюк муҳаддиснинг бири бўлиб, кенг омма ўртасида олиб борган маърифат тарқатиш иши, тўплаган ҳадислари инсониятнинг илмий ва маданий меросида чуқур из қолдирди.

Турли тарихий йилларда, бурилиш палласида Термиз шаҳри гўёки ўша даврнинг моҳиятини ўзида жам қилгандек: гоҳ мақдуний подшоҳнинг истилоларида унга таянч бўлган, гоҳ Мовароуннаҳрнинг асосий маркази бўлган, гоҳ кемалар бу ерда ҳар икки томондан келиб тўхташ имкониятига эга бўлгани учун Жайхун узра муҳим бандаргоҳ шаҳар бўлган, гоҳида эса турли салтанатларнинг жанубий чеккадаги истеҳкоми бўлган ва ҳоказо.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида археологлар томонидан Эски Термиз ва унинг атрофида ҳамда Сурхондарёнинг бошқа жойларида ўтказилган қазишмалар, шу ишлар жараёнида топилган кўплаб ҳайкаллар, меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари Жанубий Ўзбекистон ҳудудида

милоддан анча асрлар илгари ҳам давлат тузилмалари ҳамда юқори даражадаги моддий маданият ҳукм сурганлигидан гувоҳлик беради.

Ҳозирги вақтда Термиз шаҳри - Сурхондарё вилоятининг сиёсий, иқтисодий ва маъмурий маркази. Мустақилликнинг ўн йили давомида бу шаҳар ғоят ўзгарди, чиникди, чирой очди. Ҳозир Эски Термиздан бир неча километр жануброқда жойлашган Янги Термиз замонавий, жўшқин шаҳарга, йирик саноат, транспорт ва маданият марказига айланган. У Ўзбекистоннинг энг жанубий чегара шаҳри.

Термизда ҳозирга қадар ҳам одамлар тилидан тушмай келаётган бир афсонадан қуйидагиларни билиб оламиз.


Бир пайтлар Термизда савоб ишлари ва тақводорлиги билан одамлар эҳтиромини қозонган бир авлиё яшаган экан. Лекин бир куни душманлар юборган қотил авлиё ибодат қилаётган чоғида унинг бўйнига шамшир урибди. Ҳамма мотам тутибди, авлиёни ҳурмат-эҳтиром билан дафн этишибди. Унинг мозори қадамжога айланибди. Кунлардан бир кун, авлиёнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари ҳамда шогирдлари унинг мозори узра кўзёш тўкиб туришса, қабрдан: "Тирикмиз",— деган товуш эшитилибди. Бу сўзлар асрлар давомида шаҳарнинг ўзига хос шиори бўлиб келди ва бугунги кунда, Термиз бошига қандай синовлар тушмасин, бу шаҳар Ўзбекистон Республикасининг жанубий сарҳадида унинг таянчи ва мустақиллигининг кафолати бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар.


1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999.
2. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 2002 йил 2 апрель. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Т. – 2003. Б. 294.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. “Шарқ”, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2008.
5. Альбаум Л. М. Живопись святилища Фаяз-тепе. Культура древнего Востока . Изобразительное и прикладное искусства. Ташкент. 1990. С. 58-59.
6. Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе // Древняя Бактрия Л. 1974 С. 53-58
7. Аннаев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент. 1997.
8. Аршавская З.А. Ртвеладзе Э.В. Хакимов З. Средневековые памятники Сурхандарьи. Ташкент. 1982. С. 28.
9. Асанов А.А. Фаяз-тепе \ \ Строительный архитектура Узбекистана. № 6, 1976 С. 32-34.
10. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху мангольского нашествия. М., Наука, Т. I, 1963.
11. Бичурин Н Я Собраний сведений о народах обитавших в Средней Азии. Том 2. М-Л. 1950. С. 184.

- 12.Букинич Д.Д. Каналы древнего Термеза \\\ Труды ТАКЭ. Том 2. Ташкент 1945. С. 191-195.
- 13.Вертоградова В.В. Индийского эпиграфика из Кара –тепа в старом Термеза проблем дешифровки и интерпретации. М. 1995. С. 45.
- 14.Денике Б.П. Экспедиция МВК в Среднюю Азию 1927 г. // Культура Востока, МВК, И. М, 1928.
- 15.Зеймаль Т.И. Раскопки на северной вершине Кара-тепе 1985-1989. С.137-152
- 16.История ат-Табарий. Ташкент. 1987. С. 238.
- 17.Камалиддинов Ш. Историческая география южного согда и Тохаристана на арабоязычным и источникам. Ташкент. 1996. С. 102-112.
- 18.Костяная статуэтка с городища старога Термеза \\\ ОНУ № 9 1986. С. 30-42
- 19.Литвинский Б.А. Зеймаль Т.И. Аджина Тепе. 1971. С. 112.
- 20.Луконин В. Г. Среднеперсидские надписи из Каратепе \\\ Буддийский пещеры Каратепе в старом Термеза. М. 1969. С. 41.
- 21.Массон М. Е. Городища Старого Термезе и их изучение. Труды ТАКЭ, том I, Ташкент, 1940.
- 22.Пидаев.Ш. Қадимий Термиз. Тошкент, “Фан”, 2001.
- 23.Пугаченкова Г.А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Ташкент, Фан, 1990
24. Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, Фан, 1966
25. Термиз // Рангли альбом. Тошкент, Шарқ, 2001
26. Чағониён тарихи. Тошкент. “Тошкент ислом университети”. 2002.


ИЛОВА.



Зулкифл мажмуаси. XI - XII асрлар.



Султон Саодат мажмуаси. XI-XV асрлар.




Кокилдор ота мажмуаси. XV асрлар.



Кокилдор ота хонақохи. XV асрлар.



Султон Саодат мажмуаси.



Фаёзтепа.